Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Қишлоқ ҳақиқати

1990 йил 22 декабрь
ШАНБА
№ 292 (5.085).

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади ◆ Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади ◆ Баҳоси 3 тийин.

Бизнинг мусоҳаба

РАҲБАРЛИК ОСОН ЭМАС

Ғиждувон бройлер фабрикасининг директори Мухтор НУРМАТОВ ҳали қирққа ҳам тўлгани йўқ. Корхонага раҳбарлик қилаётганига эндигина икки йил бўлаяпти. Бунгача қўшни Қизилтепа паррандачилик-наслчилик репродукторида иқтисодчи бўлиб ишлаганди. У олий маълумотли иқтисодчи. «Узптицепром» жумҳурият ишлаб чиқариш бирлашмаси кейинги йилларда кадрлар танлашда шундай мутахассисларга эътиборни кучайтирмоқда. Чунки уларсиз бозор иқтисоднёти шароитида ишлаш қийин. Ўз ишига содиқлик, ташаббускорлик, тадбиркорлик каби хислатлар ҳам албатта ҳисобга олинади. Жумҳурият бирлашмаси раҳбарлигининг фикрига кўра бундай фазилатлар Нурматовда бор. Яқинда у Голландияга — паррандачилик замонавий саноат усулида ривожланган мамлакатга бориб келди. Шундан бери ўзи ҳам тиним билмайди, бошқаларни ҳам тиндираётгани йўқ: ҳамма жойда ва ҳамма соҳада тартиб ўрнатиш пайида.

Мухтор Нурматов билан суҳбатимиз анъанавий савол беришдан бошланди:

— Раҳбар бўлгач, дастлаб нималарга эътибор қаратдингиз?

— Паррандачилик минг хил майда-чуйда юмушли соҳа ҳисобланади. Янги хўжалик юритиш шароитида, бозор муносабатлари жорий этилиши арафасида директор учун ташвишлар етарлича топилади. Мен бу ерга келгунимга қадар фабрика парранда гўшти етиштирувчи Бухоро ишлаб чиқариш бирлашмаси ихтиёрида эди. Иқтисодчи учун икки жойда ҳисоб-китоб олиб борилиши сира ҳам қониқарли эмас. Бундай шароитда мустаҳкам ва мустақил иқтисоднёт ҳақида гапиришга ўрин бўлмайди. Тўғри-да, давлат корхонаси бўла туриб ўз даромадлари ва фойдасини ўзи тақсимлай олмаслигини нормал ҳол дейиш мумкинми?

Масалани ечиш осон бўлмаса-да, барибир мақсадимизга эришдик. Вилоят бирлашмасидан ажралганимиздан сўнг 1990 йилдан бошлаб қанча фойда олиш, қўшимча киримлардан қандай фойдаланиш, ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш, 570 ишчининг манфаатдорлигини кўпайтириш ва ҳоказолар тўғрисида ўзимиз ўйлайдиган бўлдик. Масалан, фойданинг бир қисмини 18 сотих ерда иссиқхона қуришга ажратдик. Бу ерда лимонарий ташкил қилинади. Эрта-индин 400 бош чўчқага мўлжалланган бино фойдаланишга топширилади. Уни ҳам ўз кучимиз билан қурдик. Қўй сурувимиз бор, асаларичилик йўлга қўйилди, сут ҳам етиштирилмоқда.

Бу ерда гап ёрдамчи хўжалик тўғрисида бораётганлигини пайқаш қийин эмас. Шуни таъкидлаш керакки, буларнинг ҳаммаси асосий ишлаб чиқаришга заррача халақит бераётгани йўқ. Аксинча, кўмаклашмоқда. Ёрдамчи хўжаликни бор-йўғи тўрт киши эплаяпти.

Юқорида олинадиган фойда ҳақида тўхталдим. Аниқроқ айтганда жорий йилда камида режага қўшимча ярим миллион сўм кирим бўлиши кутиляпти. Бинобарин, келгуси йилда меҳнат ютуқларимиз янада кўпаяди.

— Корхонангиз раҳбарияти ва жамоасининг бундай хатти-ҳаракатлари район, вилоят ташкилотларида, «Узптицепром»да қандай кутиб олинмоқда?

— Улар томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Нимани таклиф этсак, ҳаммасини маъқуллашаяпти. Олга томон силжишимизнинг, муваффақиятларимизнинг асосий омили шунда деб биламан. Бизга кўпроқ хайрихоҳлик кўрсатаётганлар орасида халқ депутатлари райони Кенгаши ижроия қўмитаси, унинг раиси М. Нўъмонов ва капитал қурилиш бўйича раис Ўринбосари Б. Нусратов ўртоқларнинг катта кўмакларини таъкидлашни истардим. Шунингдек район деҳқончилик-саноат уюшмаси, жамоа хўжаликлари, қурилиш ишлари бўйича район Кенгаши, бошқа ташкилотлар томонидан ҳам ҳеч бир тўсиққа дуч келганимиз йўқ. У ёки бу қарорни қабул қилишдаги эркинлик, ҳар томонлама мадад тармоқни саноат негизида жадал ривожлантиришга, мавжуд имкониятлардан яхшироқ фойдаланишга, пировардида озиқ-овқат тақчиллигини тезроқ бартараф этишга ижобий таъсир кўрсатади, деб ўйлайман.

— Демак, бир қатор имкониятлар ишга солиниши билан айни вақтда раҳбарлик масъулияти ортиб, ишга муносабат ҳам ўзгармоқда. Шундайми?

— Шубҳасиз. Астойдил хатти-ҳаракат меҳнат ютуқларини кўпайтирмоқда. Жорий йилни режага қўшимча равишда 50 тонна гўшт тайёрлаш билан якунлашни кўзлаяпмиз. Бу маҳсулотнинг ҳаммасини Ғиждувонда сотишни мўлжаллаяпмиз. Умуман 1.700 тонна гўшт етиштириш белгиланган.

— Одамларнинг гапларига қараганда Бухоро ва Ғиждувонда аҳолини паррандачилик маҳсулотлари билан таъминлаш ҳозир ҳам ёмон эмас экан. Давлат буюртмасини бажариш қандай бормоқда?

— Фабрикамиз ҳар куни район марказига 500 килограмм гўшт жўнатмоқда. Тўғри, салкам 100 минг кишилик шаҳар учун бу етарли эмас. Бухоро шаҳри эса ҳар куни қарийб 5 тонна маҳсулот олаяпти. Шу боисдан у ерда тақчиллик кўпам сезилмайди. Ҳозир корхонамиз ўтмиш билан бугуннинг ўртасида ишламоқда. Бошқача айтганда фабриканинг ҳар бири 1,1 миллион бройлерга мўлжалланган иккита навбатида иш олиб бораяпмиз. Улар 1984 ва 1990 йилларда ишга туширилган. Кўриниб турибдики, ўртадаги фарқ катта. Худди шундай қувватга эга бўлган учинчи навбати эса келгуси йилнинг учинчи чорагида фойдаланишга топширилади. «Бухараоблагропромстрой-2» трестининг хўжаликлараро механизациялашган 205-кўчма колоннаси қурувчилари бунёдкорлик ишларини қизғин олиб бормоқдалар. Улар белгиланган 2 миллион сўмлик маблағни ўзлаштириб, йиллик режани бажаришларига шубҳа қилмайман. Бу ҳам районда ва вилоятда бизнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлашаётганига, ишимизга ёрдам кўрсатишаётганига ёрқин мисол. Дарвоқе, юқорида тилга олинган кўчма колонна бошлиғи У. Рустамов бизнинг қурилишда ишни прорабликдан бошлаганди.

— Фабрика келгуси йилда кўзда тутилган энг юқори натижага эришади дейиш мумкинми?

— Йўқ. Унинг қувватини аста-секин ошириб, 6 миллион бошга етказиш кўзда тутилмоқда. Маҳаллий ҳокимият ва «Узптицепром» ёрдамида келгуси беш йилликда парранда гўштидан консерва тайёрлайдиган цех қуришни мўлжаллаяпмиз. Янги қурилиш учун қўшимча жой ажратишнинг ҳожати йўқ. Ғиждувондан 12 километр узоқда, Жилвон мавзеида етарлича еримиз бор. Шуни эсдан чиқармаслик керакки, янги ишлаб чиқариш кўплаб ишчи ўринлари демак. Бу район ва вилоятда қишиларнинг иш билан таъминланишига хизмат қилади. Яна шуни қўшимча қилмоқчиман: фабриканинг учинчи навбати — фақат ўнлаб янги товуқхоналар дегани эмас, балки замонавий кушхона ҳамдир. Бу ерда соатига 1,5 минг бош паррандани сўйиб, жўнатишга тайёрлаш мумкин бўлади.

Қувватларни ошира бориб, маҳсулотни сотиш билан боғлиқ масалалар устида ҳам ўйлаяпмиз. Энг самарали шакл фирма савдоси деб ҳисоблаймиз. Ғиждувон бозорида фаолият кўрсатаётган дўконимиз бу мақсад учун ончалик мослаштирилмаган. Шу боисдан хўжалик усулида ёнида ошхона ва музхонаси бўлган икки қаватли замонавий дўкон биносини қурамиз. У корхонамизнинг учинчи навбати билан баравар ишга туширилади.

— Гапларингиздан шуни англаш мумкинки, сизларда ишлаб чиқариш соҳасида жиддий муаммолар йўқ. У аввалдан пухта ўйланган режа асосида ривожлантирилиб, такомиллаштирилаяпти.

— Бундай хулоса чиқариш ончалик тўғри эмас. Афсуски, ҳамма ишларимиз муваффақиятли бораяпти деб бўлмайди. Ўз ечимини кутаётган иккита муаммони айтиб ўтмоқчиман. Кейинги пайтларда Навоий дон маҳсулотлари комбинатидан фабрикамизга келтирилаётган омихта ем сифати кескин ёмонлашди. Уларнинг таркибида протеин, оқсил каби парранда учун жуда зарур моддалар етарли эмас. Шунингдек боқиш учун жўжаларни ўз вақтида ва тўлиқ бутлаш ҳам ниҳоятда қийин бўлаяпти. Боиси — шерикларимиз етказиб бераётган тухумлар талабимизни қондирмаяпти. Шундай кезларда илгари ўзим ишлаган Қизилтепа наслчилик-паррандачилик репродуктори қийин аҳволдан қутқармоқда. Келгусида бу муаммони ҳам ҳал қилишни ўйлаб қўйдик. 1991 йилда 25—30 минг товуқ боқиладиган қўшимча паррандахона қурмоқчимиз.

— Энди паррандабоқарларнинг турмуш шароитлари хусусида гапириб берсангиз. Уларнинг талаб ва эҳтиёжлари қандай қондирилмоқда?

— Ёрдамчи хўжалик тўғрисида юқорида тўхталиб ўтдим. Жамоа учун унинг фойдаси бебаҳодир. Яна шуни қўшимча қилмоқчиман, яқинда қуриб бўлинган иссиқхона ёнида худди шундай иккинчисини барпо этмоқчимиз. Истиқомат шаҳарчамизга келсак, бу ерда ҳамма нарса етарли. Ҳар бири иккита оилага мўлжалланган ўнта коттеж-уй фойдаланишга топширилди. Уларда қўшимча иморатлар ва томорқа ҳам мавжуд. Уй учун навбатда турганлар 80 кишини ташкил этади. Бу борадаги қолоқликнинг сабаби шуки, «Узптицепром»нинг аввалги раҳбарияти асосий эътиборни ишлаб чиқариш бинолари қурилишига қаратиб, тураржойларга етарлича маблағ ажратмаган. Ишлаб чиқариш ва уй-жой қурилишидаги фарқ шундан пайдо бўлиб, эндиликда уни бартараф этиш учун камида беш йил керак.

Келгуси йилда ҳам 10 та коттеж-уйни қуриб битказишни кўзлаяпмиз. Шунингдек болалар боғчаси, мактаб, тиббиёт шоҳобчаси, клуб, чойхона ва бошқа маданиятий бинолар қад ростлайди. Зеро, замонавий турмуш тарзини буларсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. «Узгипросельстрой» институтининг Бухоро филиали мутахассислари таклиф этишган 2 минг аҳолига мўлжалланган паррандабоқарлар посёлкаси бош режаси айни бизбоп. Эндиликда ҳамма гап ўйланган режаларни муваффақиятли амалга оширишда қолган.

Суҳбатдош:
И. АХМЕТОВ.



Булунғур районидаги Ленин номли давлат хўжалигининг 1-бўлими деҳқонлари жорий йилда 800 тоннадан зиёд сабзавот етиштирдилар. Уни савдо шохобчалари ва омборларга элтишда механизатор Аваз Ортиқов алоҳида ибрат кўрсатди. Бу ўз ишининг устаси айни кунларда далага маҳаллий ўғит чиқаришда пешқадамлик қилмоқда.

СУРАТДА: Аваз Ортиқов.

Т. ДАВЛАТОВ олган сурат.

ИҚТИСОДИЁТ ЖАБҲАСИДА

ХАРИДОРЛАР ТАЛАБИНИ УРГАНИБ

Андижондаги «Коммунар» механика заводи режалаштирилганидан ташқари ярим миллион сўмликдан кўпроқ энг зарур моллари ишлаб чиқарди. Ўн бир ойлик иш якунлари шундай натижа билан тугади. Маҳсулот турлари хилма-хил: тоқ қайчилар, электр ёрдамида уқаловчи асбоблар, чопиш йўлларини белгилайдиган аравачалар, спорт машқлари ўтказиладиган қурилмалар ва бошқа кўплаб нарсалар бор.

Заводда махсус кенг истеъмол моллари цехи ташкил этилган, унда бешта ишлаб чиқариш бригадаси ишлайди. Корхона маҳсулот ишлаб чиқаришгина қолмай, уни ўз фирма дўкони орқали харидорларга сотади. Истеъмолчилар билан бундай «мулоқот» талабни ўрганиб бориб, ишлаб чиқаришни шунга мувофиқ равишда йўналтиришга ёрдам беряпти.

Янги йилда оммавий эҳтиёж моллари турларини кўпайтириш ҳисобига уларни ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга қарор қилинди. Ҳаридоргир бўлган металл эшикларнинг дастлабки туркуми тайёрланди. Яна бир янги маҳсулот — бир вақтнинг ўзида арралайдиган, рандалайдиган, тешадиган ажойиб дастгоҳ яратилди.

ЎЗИМИЗ ҚУРГАН УЙЛАРДА ЯШАЙМИЗ

Якка тартибда уй қурувчиларга бир тийин ҳам фойда олинмайдиган пул қарз берилади. Яъни ҳар бир кишига минг сўмдан пул берилади. Самарқанд вагон депоси меҳнат жамоаси кенгаши билан маъмурияти шундай қарор қабул қилди. Бу ерда 50 киши ер олди. Ажратилган маблағлар эса уларга ўз уйларини тезда қура бошлаш имконини берди. Ишхонадаги ўртоқлар уларга фақат пул билан ёрдам беришмади. Депода янги уйларнинг бўлажак эгаларига ромлар, эшиклар, бошқа дурадгорлик буюмлари тайёрлашга киришдилар.

Ер берилиши муносабати билан уй-жой олиш учун навбатда турганлар деярли камайиб кетди, лекин йўқолгани йўқ. Шу сабабли Самарқанд станцияси ёнида 24 хонадонли уйни қуришга тайёргарлик бошлаб юборилди.

Депода ўз ходимларини яқин вақт ичида уй-жой билан таъминлашнинг аниқ дастурига риоя этишмоқда.

МАМЛАКАТ ИСТИҚБОЛИ ҲАЛ БЎЛМОҚДА

ССЖИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИНИНГ ТЎРТИНЧИ СЪЕЗДИДА

20 декабрдаги эрталабки мажлис **А. А. Акаев** раислигида ўтди. Депутатлар котибият раҳбарининг ўринбосари **С. Б. Станкевич**нинг ахборотини тингладилар. У, жумладан съезд номига ССЖИ халқ депутатларидан ва мамлакат фуқароларидан тўрт мингтадан кўпроқ хатхабар тушганини маълум қилди. Улар мамлакатдаги вазиятдан жиддий ташвишга тушганликларини ва хавотирланаётганликларини айтиб, съезддан сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий барқарорликка доир аниқ-равшан тадбирлар қабул этишишга умид қилаётганликларини, ўзларининг шахсий режаларини шу билан боғлаётганларини ёзадилар.

Айниқса янги Иттифоқ шартномаси лойиҳаси тўғрисидаги хатлар ўткирлиги билан ажралиб туради, деб таъкидлади нотиқ. Муаллифларнинг кўпчилиги турли фикр билдириш билан бирга янги Иттифоқ шартномасини тузиш керак, деган умумий хулосага келмоқдалар. Бунда кўпчилик кучли Иттифоқ давлатини сақлаб қолиш, миллатлараро низоларни бартараф этиш, миллатлар ва ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини ҳимоя қилиш, иқтисодий муаммоларни ҳал этиш имкониятини кўрмоқда.

Украина, Эстония, Латвиядан келган кўплаб хатлар ва телеграммаларда Иттифоқ шартномасини ради этиш талаб қилинади. «Шартнома жумҳуриятларга тўла мустақиллик кафолатини бермаслиги, уларнинг туб манфаатларига мос келмаслиги»ни асосий сабаб қилиб кўрсатадилар. Шу билан бирга Эстония, Латвиядаги рус тилида сўзлашувчи аҳолининг вакиллари Иттифоқнинг бир бутунлиги ва бир қанча жумҳуриятларда Президент бошқарувини ўрнатиш муаммоси юзасидан референдум ўтказиш масаласини қўядилар.

Депутатлар **А. Г. Журавлев, З. П. Смолина, А. Л. Плотников, Л. И. Сандумяк, В. В. Рюмин** асосий мунозара бошланишидан олдин қисқача фикрлашув чоғида съезд ишига тегишли бир қанча масалаларни ўртага қўйишди. Жумладан, бу ерда, Кремлнинг Съездлар саройида энг аввало янги Иттифоқ шартномасини иложи борича тезроқ имзолаш учун ҳамма ишларни қилиш зарурлиги тўғрисида гапирилди. Янги Иттифоқ шартномаси бўлмаса, мамлакатнинг келажаги оқибатини олдиндан айтиб бўлмайдиган даражада хавф остида қолади. Украинадан сайланган депутатлар гуруҳи номидан съездга тақдим этилган баёнотда, аксинча, шартнома тўғрисидаги масалани кўриб чиқишга ҳали вақт эрта эканлиги ва бундай қилиш ғайриқонунийлиги таъкидланган. Бу ерда гап, дейилади ушбу ҳужжатда, янгиланган федерация ҳақида эмас, балки фақат мустақил давлатларнинг ҳамдўстлиги тўғрисида бориши мумкин.

Магнитогорск давлат педагогика илмгоҳининг ректори **В. Ф. Романов** янги Иттифоқ шартномасининг умумий концепцияси ва уни тузиш тартиби тўғрисидаги масала юзасидан мунозаларни бошлаб берар экан, энг ўткир масалага — бир қанча жумҳуриятларнинг ССЖИ таркибидан чиқиш эҳтимолига эътиборни қаратди. Унинг фикрича, «ҳеч кимни куч билан ушлаб туриш» керак эмас. Айни вақтда у «енгил-елпи сиёсий ўйинларнинг» хавфи тўғрисида гапириб, русларнинг «сув ичадиган қудуғингга туфлама», деган мақолини эсладди.

ССЖИдан чиқишнинг зарур асосий шарти — референдум. Халқларни ҳар бир киши учун ҳаётий муҳим бўлган муаммо юзасидан ўз фикрини билдириш ҳуқуқидан маҳрум этиш демократиянга мутлақо зиддир. Совет Иттифоқи ҳамма вақт буюк давлат бўлиб қолади, деб таъкидлади депутат. Бутун бошқарув системасини маҳаллийлаштириш, уни Иттифоқ маркази бўлар-бўлмасга бошқаришидан ҳолос этиш ишида шартнома зарур бўлади.

Депутат **Қ. Маҳкамов** янги Иттифоқ шартномаси барча жумҳуриятларнинг асл манфаатларига жавоб беради, кўп жиҳатдан барча совет кишиларининг тақдирини белгилайди, деди. Айни вақтда, унинг фикрича, Иттифоқнинг парчаланиб кетиши ўнлаб давлатларнинг тузилишига ва айниқса миллатлараро муносабатларда янги, амалда оқибатини олдиндан айтиб бўлмайдиган муаммолар пайдо бўлишига, ҳудудий можароларга олиб келган бўлур эди.

Тожикистон ССЖ Президенти шартномани имзолашда ҳар қандай йўллар билан сусткашлик қилиш мамлакатда ниҳоятда мушкул сиёсий ва иқтисодий аҳвол барқарорлашишини хоҳламаётганларга қўл келади, деб ҳисоблайди. Ҳозир мамлакатимизда қонунлар ҳам, ҳокимият ҳам аслида амал қилмаяпти.

Нотиқ мамлакат иқтисодий турмушини барқарорлаштириш, ижроия ҳокимият тузилмаларини ислоҳ қилиш юзасидан ССЖИ Президенти сарфлаётган кучғайратларни қўллаб-қувватлади.

Бугун, деди Миллатлар Кенгаши миллий сиёсат ва миллатлараро муносабатлар комиссиясининг аъзоси **С. А. Ангапов**, одам одамнинг кучидан фойдаланмайдиган, ижтимоий мулкка асосланган социалистик давлатни сақлаб қолиш ва уни бойитишдан ҳам муҳимроқ вазифа йўқ.

Шундан сўнг нотиқ миллий масалани ҳал этишга принципиал ёндашув тўғрисидаги — миллий можаролар



ларга синфий баҳо бериш ҳақидаги ўз мулоҳазаларини айтди. Турли миллат кишиларининг чинакам дўстлиги даҳанаки жангларда ва митингларда, эмас, балки жамоа хўжаликлари далаларида биргаликдаги меҳнатда, ишчилар жамоасида, шунингдек жанг майдонидаги жасоратларда пайдо бўлади.

Депутат одоб-аҳлоқи масалалари комиссиясининг раиси **А. А. Денисов** ўз нутқининг аввалида депутат Оболенскийнинг кечаги баёнотига муносабатини билдирди. Чунки Оболенский Коммунистик партия фаолиятига баҳо беришда одобсизликка йўл қўйган эди.

Парламент комиссиясининг раҳбари муҳокама қилинаётган муаммо юзасидан ўз нуқтаи назарини билдириб, яхлит давлатни бузар эканмиз, уни нима билан алмаштиришни аниқлаб олишимиз керак, деди. Бунинг учун эса умуман давлат нима ва у нима учун тузилади, деган масалани ҳал этиши керак. Классик марксизм бу ишда бизга унча ёрдам бера олмайди, деди олим. Демократик давлат энг аввало якка тартибдаги, гуруҳий, маданий, синфий, миллий, сиёсий ва бошқа зиддиятларни бартараф қилиш учун юзага келади ва мавжуд бўлади. Фуқаролар айни одамлар ва уларнинг турли хил жамоалари ўртасидаги ўзаро муносабатларда бир-бири билан келиб чиқадиган зиддиятларни бартараф этиш мақсадида ўз мустақил ҳуқуқлари ва эркинликларини ихтиёрий равишда давлатга топширадилар. Акс ҳолда ёки тоталитаризм ёки бошбошдоқлик бўлади.

Мен реакционер номини олишга тайёрман, лекин ҳақиқат обрў-эътибордан ҳам қимматли, деди депутат ва давлатда мустақил давлатларнинг мавжудлиги даврмизга мос келмайдиган тарихий сарқит эканлигини таъкидлади. Олим бирлашган ҳудудларни эмас, балки ўз тақдирини ўзи белгилаган миллатлар негизида Иттифоқ тузилишини истиқболда тангликдан чиқишнинг йўлларидан бири деб билади.

«Калмсельхозводопровод» лойиҳалаш-қурилиш бирлашмасининг бошлиғи **В. М. Бимбаев** Сталин даврининг халқлар ва миллатларни кўчириб юборишга ва қатағон қилишга асос бўлган шармандали фармонларини бекор қилишга чақирди.

Қалмиғистон вакили федерациянинг барча субъектларига — иттифоқдош ва мухтор жумҳуриятларга, вилоятлар ва округларга, давлат тузилмаларига эга бўлмаган халқларнинг улар жам бўлиб яшайдиган жойларда сайланган вакилларига Иттифоқ шартномасини имзолаш ҳуқуқи берилиши керак, деб ҳисоблайди.

Депутат Иттифоқ тўғрисида референдум ўтказиш хусусидаги таклифни қўллаб-қувватлаб, унда давлатнинг номи, бу номда «социалистик» сўзининг бўлиш-бўлмаслиги ҳақидаги масала ҳал этилиши керак, деган фикрни билдирди.

Съезд ССЖИда яшаётган миллионлаб кишилар олдига ўз йўлини танлашдек вазифани қўйди. Бу бахт ва бахтсизлик ўртасидаги, умид ва умидсизлик ўртасидаги йўлни танлаб олиш билан баробардир. ССЖИ Олий Кенгашининг ёшлар ишлари қўмитаси раиси **В. И. Цибух** муҳокама қилинаётган масалага ўз муносабатини шундай изҳор қилди. Иттифоқимиз бузилган тақдирда нималар рўй беришини тасаввур қилишнинг ўзи даҳшатли, деди депутат. Бу мамлакатда ҳуқуқий бошбошдоқлик ҳукуми аниқ хавф солишини, жаҳон ҳамжамиятининг давлатимизга бўлган ишончи тўла йўқолганлигини билдиради, зотан, тарқоқ Иттифоқ халқаро шартномалар бажарилишига ҳамда ўз чегаралари хавфсизлиги таъминланишига кафолат бера олмайди.

Шундан кейин депутат Иттифоқ тақдирининг келажакда ёшлар тақдири билан ўзаро боғлиқлигига тўхталди.

Нотиқ ССЖИ Президентининг муҳокама қилинаётган масала юзасидан референдум ўтказиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги таклифини қўллаб-қувватлади.

Миллатлар Кенгашининг миллий сиёсат ва миллатлараро муносабатлар комиссияси аъзоси **А. Г. Чехоев** «Союз» депутатлар гуруҳининг ҳамраислиридан бири сифатида янги Иттифоқ шартномаси лойиҳаси юзасидан жамоа фикрини баён этди. У ҳар қандай шартномада битим, унинг қатнашчиларининг мақсади ва битимни тузиш шартлари назарда тутилишини таъкидлади. Бундай қараганда, шартнома қатнашчиларининг сони камайиши керак, баъзилар, гарчи шартномани қабул қилмасликларини чиройли сўзлар билан асослаётган бўлсалар ҳам, уларни Совет Иттифоқи билан ўзлари айтаётган гаплар эмас, балки мафкуравий келишмовчиликлар ажратиб туради.

Шундан сўнг нотиқ Иттифоқимиз қандай бўлиши хусусида гапирди, ССЖИ тушунчаси сақланиб қолишини, бу энди Совет Социалистик Жумҳуриятлари Иттифоқи эмас, балки мустақил Совет Жумҳуриятлари Иттифоқи эканлигини айтди. Ундаги «социалистик» тушунчаси олиб ташланади. Шу тўғримикин? Нотиқ тўғри эмас, деб ҳисоблайди. Бунда давлатимиз моҳиятининг ўзи истисно этилади.

Депутат янги Иттифоқ шартномасининг лойиҳаси ҳозирги даврнинг сиёсий муаммоларини акс эттиради ва узоқ истиқболга мўлжаллаганмаган, деган фикрни билдирди. Барча миллий-ҳудудий тузилмалар шартномани имзолаши керак, деди у, бунга «Союз» депутатлар гуруҳининг ишончи комил.

Депутатларнинг илгари билдирган истакларига мувофиқ съездда ССЖИ ташқи ишлар вазири **Э. А. Шеварднадзе**га сўз берилади. Мен ўз ҳаётимда энг қисқа ва энг оғир нутқни сўзлайман, — деди у. Мен сўз сўрамаган эдим, бироқ, айрим депутатлар буни қатъий талаб қилганликлари учун мен нутқ матнини туздим ва уни съезд котибиятига топширамман. Депутатларнинг айни ана шу гуруҳи нима учун нутқ сўзлашимни қатъий талаб қилганлигининг сабаблари менга маълум.

Мен икки қисмдан иборат қисқача баёнот бераман. Биринчи, кеча баъзи ўртоқлар нутқ сўзлашди — улар ветеранларимиз бўлиб, мамлакат Президентига, раҳбариятига Форс кўрфазига қўшинлар юборишини ман этадиган декларация қабул қилиш зарурлиги тўғрисидаги масалани ўртага қўйдилар. Масала тахминан ана шундай мазмунда бўлди. Кечаги ана шу нутқлар, тўғридан-тўғри айтиш мумкинки, сабр косамни тўлдириб юборди.

(Давоми иккинчи бетда).

ГОЭЛРО РЕЖАСИНИНГ 70 ЙИЛЛИГИ

21 декабрь куни Тошкентда ГОЭЛРО режаси қабул қилинганлигининг 70 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Бу сана касб-кор байрами — Энергетиклар кунига тўғри келди.

Узбекистон ССЖ Энергетика ва электрлаштириш вазири М. С. Тошпўлатов йиғилишни очар экан, жумҳурият энергетиклари ва энергокурувчиларини шоҳли сана билан табриклади. Узбекистон бугунги кунда 11 миллион киловаттдан кўпроқ қувватга эга бўлган қудратли энергетика базасига эга эканини таъкидлади. Йиғилишда, қозир халқ хўжалигида электр энергиясини истеъмол қилмайдиган бирорта соҳа йўқлиги таъкидланди.

Умуман, энергетика бир қанча муваффақиятларга эришганига қарамай, дейишди нотиқлар, энергия системаси кейинги вақтда ниҳоятда тиғиз режимда ишламоқда. Биринчи навбатда бутун иқтисоднётнинг асоси сифатида энергетикага етарли баҳо берилмаслик сабабли шундай бўлмоқда. Уз имкониятларини ўтаб бўлган ускуналар жуда кўпайганлиги туфайли аҳвол янада оғирлашмоқда. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари ҳам суст ҳал этилмоқда.

Бугунги кунда жумҳурият электроэнергетикаси ривожланишнинг янги босқичига кирмоқда. Шу сабабли уни ривожлантиришнинг янги концепциясини ишлаб чиқиш масалалари биринчи ўринга қўйилмоқда. Бу эса жумҳуриятнинг бутун халқ хўжалиги мажмуини ривожлантиришнинг пухта негизига айланиши керак.

Йиғилишда тармоқнинг илгор ходимларига мукофотлар топширилди.

Йиғилиш ишида Узбекистон ССЖ Олий Кенгаши Раисининг ўринбосари Б. И. Бугров, Узбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари К. Ж. Ҳаққулов қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

МАМЛАКАТ ИСТИҚБОЛИ ҲАЛ БЎЛМОҚДА

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Ахир, Форс қўрфазида қандай воқеа рўй беряпти? Мен ана шу можарога нисбатан Совет Иттифоқининг муносабати, у ўтказаётган сиёсатни малакатда ҳам, ундан ташқарида ҳам неча бор тушунтириб беришимга тўғри келган. Бу давлатлар ўртасидаги маърифатли муносабатларнинг барча мезонларига мувофиқ келадиган жиддий, пухта ўйланган, сиёсатдир. Биз Ироқ давлати билан дўстона муносабатдамиз. Бу муносабатлар йиллар давомида қарор топди ва сақланиб қолмоқда. Бироқ биз кичик, ҳимоясиз мамлакатга ҳужум қилинишига, у босиб олинишига тоқат қилиш учун ҳеч қандай маънавий ҳуқуқга эга эмасмиз. Агар шундай қилсак, кейинги йилларда биз ҳаммамиз, бутун мамлакат, бутун халқимиз янгича сиёсий фикрлаш қоидаларини қарор топтириш соҳасида амалга оширилган ишларни йўққа чиқаришимиз керак бўлур эди. Бу биринчиси.

Иккинчиси. Совет раҳбарияти бу хусусда ҳеч қандай режага эга эмас, билмадим, эҳтимол қандайдир гуруҳнинг бундай режаси бор дир. Буни кўп марта тушунтириб берганман ва бу ҳақда М. С. Горбачев ҳам ўзининг Олий Кенгашдаги нутқида гапирган. Шунга қарамай, ташқи ишлар вазири Форс қўрфазига, ана шу минтақага қўшин тушириши режалаштирмоқда, деган айблашлар эшитилмоқда. Бундай режа йўқлигини, умуман бўлмаганлигини ва ҳеч ким у ерга ҳеч бўлмаса бирорта ҳарбийни, Совет Иттифоқи Қуролли Кучларининг бирорта вакилини юборишниятида эмаслигини тушунтириб берганман, гапирганман. Бу ҳақда айтилди.

Учинчи масала, Башарти, қаерда бўлмасин, Ироқдагина эмас, исталган мамлакатда совет фуқароларининг манфаатларига зарар етадиган бўлса, бирорта одам азият чекадиган бўлса, Совет ҳукумати, совет мамлакати ўз фуқароларининг манфаатларини қаттиқ туриб ҳимоя қилади, деб айтганман, мен буни ҳамма эшитиши учун тасдиқлайман. Шунинг учун мен бунда депутатлар совет раҳбариятини қўллаб-қувватлашлари керак, деб ўйлайман.

Бироқ, мен бошқа масалани ўртага қўймоқчиман: буларнинг ҳаммаси тасодифмикин? Парламент икки аъзосининг Ироқ ишлар вазирлигини олиб ташлашга муваффақ бўлганлиги ва ташқи ишлар вазири билан ҳисоб-китоб вақти келганлиги тўғрисидаги баёноти тасодифмикан? Ана шу баёнот деярли жаҳондаги бутун матбуотда ва газеталаримизда эълон қилинди. Бу йигитлар шунчалик ботирми? Мен ёшим қаттароқ бўлгани учун айтишим мумкинки, вазир шаънига, ҳукумат аъзоси шаънига бундай гапларни айтиш учун улар — полковник погонига эга бўлганлар ҳақиқатан ҳам ёшдирлар. Шу муносабат билан ташқи сиёсий маҳкама бошлиғи катта сиёсат соҳасидаги кишининг қадр-қимматини ҳимоя қилиш зарурлиги тўғрисида гапирди.

Сўнгра у, вужудга келган вазият — ислоҳотчилар билан, унинг фикрича, реакционерлар ўртасидаги гоят ўткир кураш қиёбатидир, деган нуқтаи назарни айтди. Бундай режа ҳеч ким ва ҳеч ким ўйлаб топмаган, ҳеч ким ҳеч бўлмаса бирорта ҳарбийни, Совет Иттифоқи Қуролли Кучларининг бирорта вакилини юборишниятида эмаслигини тушунтириб берганман, гапирганман. Бу ҳақда айтилди.

Учинчи масала, Башарти, қаерда бўлмасин, Ироқдагина эмас, исталган мамлакатда совет фуқароларининг манфаатларига зарар етадиган бўлса, бирорта одам азият чекадиган бўлса, Совет ҳукумати, совет мамлакати ўз фуқароларининг манфаатларини қаттиқ туриб ҳимоя қилади, деб айтганман, мен буни ҳамма эшитиши учун тасдиқлайман. Шунинг учун мен бунда депутатлар совет раҳбариятини қўллаб-қувватлашлари керак, деб ўйлайман.

Бироқ, мен бошқа масалани ўртага қўймоқчиман: буларнинг ҳаммаси тасодифмикин? Парламент икки аъзосининг Ироқ ишлар вазирлигини олиб ташлашга муваффақ бўлганлиги ва ташқи ишлар вазири билан ҳисоб-китоб вақти келганлиги тўғрисидаги баёноти тасодифмикан? Ана шу баёнот деярли жаҳондаги бутун матбуотда ва газеталаримизда эълон қилинди. Бу йигитлар шунчалик ботирми? Мен ёшим қаттароқ бўлгани учун айтишим мумкинки, вазир шаънига, ҳукумат аъзоси шаънига бундай гапларни айтиш учун улар — полковник погонига эга бўлганлар ҳақиқатан ҳам ёшдирлар. Шу муносабат билан ташқи сиёсий маҳкама бошлиғи катта сиёсат соҳасидаги кишининг қадр-қимматини ҳимоя қилиш зарурлиги тўғрисида гапирди.

Сўнгра у, вужудга келган вазият — ислоҳотчилар билан, унинг фикрича, реакционерлар ўртасидаги гоят ўткир кураш қиёбатидир, деган нуқтаи назарни айтди. Бундай режа йўқлигини, умуман бўлмаганлигини ва ҳеч ким у ерга

Ульянов районидаги «Пахтакор» давлат хўжалигининг иссиқхонасида лимон ғарқ пишди. Мирншкорлар ҳозирга қадар эл дастурхонига 20 сотнх майдондан бир тонна ўрнига 2 тонна витамипли неъмат тортиқ қилдилар.

СУРАТДА: лимонзорнинг илғор ишчиси Гулбиби Гўзалова.

Б. ИСМОИЛОВ олган сурат.

Президент фармони — қандай бажарилмоқда?

САНАМАЙ САККИЗ ДЕМАНГ

Матбуотда жумҳурият Президентининг «Ўзбекистон ССЖ давлат идоралари, жамоат ташкилотлари ва айрим фуқаролари муассис бўлган оммавий ахборот воситаларини рўйхатга олишни тартибга солиш ҳақида»ги фармони эълон қилинди, Унда таъкидланганидек, бундай нашрлар Ўзбекистон ССЖ Матбуот давлат қўмитасида рўйхатдан ўтказилгандан кейингина чоп этилиши ва тарқатилиши мумкин. Хўш, мазкур фармон қандай зарурат юзасидан қабул қилинди.

Иттифоқимиздаги вазият гоят мураккаб. Таъминотдаги тақчилликлар, шов-шув ва мажлисбозликлар одамларни тобора қаттиқроқ асабийлаштирмоқда. Ҳаётнинг яхшилик сари ўзгаришига ишончсизлик билан қараётганлар ҳам оз эмас. Шундай бўлсада, Ўзбекистон партия ва ҳукуматининг халқпарвар сиёсати, сўз ва иш бирлигига эришаётганлиги шарофати туфайли сиёсий ва ижтимоий вазият яхшиланиб бормоқда. КПСС XXVIII съездидан кейин партиянинг нуфузи янада ортди, коммунистларнинг раҳнамолиги кучайди. Азамат деҳқонларимиз фидокорона меҳнат қилиб, йилни ёруғ юз билан якунладилар. Ижтимоий соҳа муаммолари бирин-кетин ҳал этилаётганлиги, моддий манфаатдорлик таъминланаётганлиги меҳнаткашлар ғайрат-шижоатини оширмоқда. Улар эришилган натижаларни мустаҳкамлаш учун омилкорлик, ташаббускорлик кўрсатишаяпти.

Афсуси, барча ерда муҳит бирдек деб бўлмайди. Қайта қуришни оғиздагина ёқлаётган, миш-мишларга зўр бераётган, халқ билан партия ўртасига раҳна солиш ниятидагилар ҳам йўқ эмас. Баъзи норасмий уюшмаларнинг гаидон вакиллари омманн тўғри йўлдан чалғитишга уринишмоқда. Ошкоралик, демократия ниқоби остида вазиятни мураккаблаштиришга, иқтисодиётдаги аҳволни чиғаллаштиришга ҳаракат қилишмоқда. Бу ҳақда Ўзбекистон Компартияси XXII съезди делегати, Ғузор районидаги «Партия XXII съезди» жамоа хўжалиги бригадаси бошлиғи Санобар Муродова шундай деди:

— Мамлакатда юзага келган танг аҳволга марказ айбдор. Чунки қабул қилинаётган қонунларнинг ишламаслиги туфайли одамларда партияга ишончсизлик тобора ортмоқда. Лекин жумҳуриятимизда Президентимиз чиқараётган фармонлар Ўзбекистон Компартиясига, ҳукуматига ишончни оширмоқда. Натижада нафақат коммунистлар, балки бутун халқ Компартия атрофига тобора мустаҳкам жипслашмоқда.

Съездда делегатлар айрим марказий нашрлар, уюшмаларнинг рўзнома ва жаридалари турли уйдирмалар ҳақида ёзиб, муҳитни мураккаблаштиравотганликларини таъкидлашди. Жуда кўп эътирозлар, ҳаққоний талаблар инобатга олинмаяпти. Ўзбекистонликлар бошига маломатлар солган Тельман Гдляннинг ССЖИ халқ депутатларининг тўртинчи съездида Иттифоқ шартномаси муҳокамасининг қай тарзда ўтиши юзасидан «Рабочая трибуна» рўзномасида билдирган қуйидаги сўзларини қандай баҳолаш мумкин?

— Ҳозирнинг ўзидаёқ айтишим мумкин, — дея таъкидлади Т. Гдлян. — Литва, Латвия, Эстония, Грузия шартномани имзолашга рози бўлишмайди. Молдова ва Арманистон нуқтаи назари мавҳум. Украина ва Россия ўз талабларини ўртага қўйиб феъл-атворларини намойиш қилишади. Ўрта Осиё жумҳуриятлари тақдим этилган андоза учун якдил овоз беришади.

Бу ўтакетган маданиятсизлик, демократияни ҳаддан ташқари суиистеъмол қилишнинг айни ўзгинасидир. В. Васильевнинг «Труд» рўзномасининг шу йил 30 октябрь сонидаги мақоласи ҳам халқимизни ғазаблантирди. М. С. Горбачев ССЖИ халқ депутатлари тўртинчи съездида қилган маърузасида: «Мен зиёлилар кўпгина намояндаларининг ташвишланаётганини, уларнинг маданият бобидаги бир талай учаралр эфирга, экранга, матбуотга ёпирилиб, зиёли деган номни, ижод эркинлигини суиистеъмол қилиб, пала-партиш пасткашлик асарларни, ғайриинсоний, тубан машқларни чиқаришга киришганликлари ва шу тариқа ижтимоий ахлоққа путур етказиб, маданият тушунчасининг ўзини обрўсизлантираётганликларидан безовта бўлаётганликларини қўллаб-қувватлайман», — дея таъкидлаганқ бежиз эмас.

Жумҳуриятимиздаги норасмий уюшма «Интерсоюз» нашри ҳам воқеликни бўяб кўрсатмоқда. Бир қанча норасмий уюшмаларнинг нашрлари, варақалари Қонунга хилоф равишда чоп этилаяпти. Ҳозир Ўзбекистон ССЖ Матбуот давлат қўмитасида вазирлик ҳамда идораларнинг ўз нашрларини чиқариш учун рухсат сўраб ёзган 10 та аризаси бор. Аммо норасмий уюшмалар қоидага риоя этишмаяпти. Жумҳурият Президентининг биз фикр юритаётган фармони бу борадаги ўзбошимчаликларга чек қўяди.

Ҳ. КАРИМОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.

МАШРИҚДАН МАҒРИБГАЧА

● РИГА. Рига кемасозлик заводида «Бригадир Ришко» музёрар паромини қуриш ишлари тугалланди. Узоқ Шарқ денгиз кемачилиги буюртмасига биноан ясалган бу кема Владивосток билан минтақадаги чоғроқ портлар ўртасида қишинёзин қатнаш учун мўлжалланган.

● ЛЕНИНГРАД. Ленинграда Россия Федерацияси олимларининг ташкилий съезди бошланди. Съездга бўлажак РСФСЖ Фанлар академиясининг ўн учта минтақа бўлимидан 600 делегат тўпланди. Булар — академия ва тармоқ илмгоҳларининг, олий мактабларнинг ходимларидир.

● МОСКВА. «Вашингтон—Москва» кўргазмаси жамоат турмушининг янгидан-янги соҳаларини қамраб олаётган халқ дипломатиясининг таъсир доирасини кенгайтирди. «Давлат Третьяков кўргазмаси» Бутуниттифоқ музей бирлашмасида очилган кўргазма хусусий шахсларнинг, ССЖИ ва АҚШдаги ҳукумат тасаррафида бўлмаган ташкилотларнинг ташаббуси билан ташкил этилди.

● НОВОСИБИРСК. Новосибирск алоқа электр-техника илмгоҳининг илмий ходими Ю. Топтигин уй телефонини ўзига хос мослама билан жиҳозлади. Бу мосламанинг электрон таблосида қўнғироқ қилинаётган телефонинг рақамлари кўринади. Ёш олим ишлаб чиққан ихчам асбоб телефонда безорилик қиладиганларни топиш имконини беради.

● МАХАЧҚАЛЪА. Археологлар Махачқалъадан 40 километр наридаги қўрғонда қазилма ишларини олиб бораётганларида қарийб икки минг йил муқаддам ҳайвон суягидан ишланган найни топдилар. Бу қўҳна чолғу асбобида ҳозир ҳам куй чалиш мумкин.

● ФРУНЗЕ. Қирғизистондаги янги театр-студия «Тўнғич» деб номланди. Театр қирғиз драматурги Ж. Қулматов пьесаси асосида саҳналаштирилган «Чингизхоннинг муқаддас сири» дастлабки асарини намойиш этди.

● БАРНАУЛ. Бу ерда шаҳар кенгаши раёсатининг қарорига мувофиқ иқтисодий ҳуқуқбузарликлар, чайқовчилик, молларни пештахта остига яшириб қўйиб савдо қилиш, молларни беркитиб қўйишга қарши курашувчи махсус милиция бўлими тузилмоқда. Янги махсус бўлимда ишлайдиган 26 кишига шаҳар бюджети ҳисобидан ҳақ тўланади.

● АШХОБОД. Амударё ўрта оқими ҳавзасида бунёд этилаётган сув тўплаш иншооти бошқармасининг автоматлашган системаси Амударёдан Туркманистон хўжаликларига бир меъёрда сув берилишини тартибга солади. Дарёнинг Эсенменгли ва Қорабековул каналлари бошланадиган бош иншоотларида сув сарфини ҳисобга оладиган махсус станциялар ўрнатилди. Энди диспетчерлар ноналардан чиқмай туриб тўғонларни очишлари ва беркитишлари, оқимни кўпайтиришлари ёки камайтиришлари мумкин. Махсус ҳисоб қурилмалари берилган сув ҳажмини рўйхатга олади. Каналларнинг асосий иншоотлари қўларида ва бошқа ерларда замонавий ультратовушли станциялар қурилмоқда.

Даврлар ўзига хос шиорлари, мақсад ва режалари, бошқарув усуллари билан бир-бирларидан фарқланади. Етмиш уч йиллик тарихимиз мана шу жиҳатлари билан ранг-баранг. Бундан тўрт-беш йил муқаддам ҳаммамизнинг ўй-тафаккурини қайта қуриш тушунчаси қамраб олган эди. Бугун эса икки-уч кишн тўпланган жойда бозор иқтисоднётидан гурунг бошланади, баҳслар қизийди, тортишувлар авжига чиқади. Гарчи янгича муносабатларга ўтиш зўр бериб тарғиб-ташвиқ қилинаётган бўлса-да, у ҳақдаги тушунчалар, тасаввурлар турлича. Бозор иқтисоднётига ҳам ўтдиқ, унинг қонунлари асосида яшай бошладик, дейлик. Хўш, умумий ҳаёт манзараси, яшаш тарзи қандай бўлади? Ҳозир унинг аниқ кўринишларини чизиб бериш анча мушкул. Яқинда мухбиримиз Ленин район деҳқончилик-саноат уюшмаси раиси Ваҳобжон МАҲМУДОВ ва унинг иқтисодиёт бўйича муовини Низомиддин ЮСУПОВга шу мавзудаги саволлар билан мурожаат қилди.

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ НИМА БЕРАДИ?

— Бозор иқтисодиётига ўтиш ёки ўтмаслик хусусида баҳслашмоқчи эмасман. Яшашнинг бу усули давр тақозоси, ҳаётий зарурат сифатида кун тартибига қўйилаётгани табиий ҳол. Истаймизми-истамаймизми, бугун ёки эртага ана шу йўлга бурилмиз. Қайта қуриш жараёни бошланганида уни тушуниб олиш қийин бўлганди. Бинобарин, моҳиятини англаш ҳам узоққа чўзилиб кетди. Кимлардир уни юқоридан бошлашни афзал кўрди, бошқалар қуйидан яхши самара беришини тавсия этди. Баъзилар ҳар ким ўзидан бошлашини мақсадга мувофиқ кўрди. Амалий ҳаракатнинг чўзилиб кетгани боиси шу. Бозор иқтисодиётига ўтишда ҳам шу манзара такрорланмаяптими? Сабаби — ҳозир у ҳақдаги тушунча ҳаддан ташқари чиғаллашган. Сизлар бозор иқтисодиётини қандай тасаввур қилаяпсизлар? Унинг шакл-шамойилини озгина бўлса-да гавдалантириб бера оласизларми? Бозор иқтисоднёти арбоблар, олимлар, бош мутахассислар томонидан ўта илмий тил билан баён қилинаяптики, ишчилар, деҳқонлар, оддий меҳнаткашлар буни илғаб ололмаяптилар. Оқибатда миш-мишлар пайдо бўлаётир, ваҳималар кучаймоқда.

В. МАҲМУДОВ: — Фикрингизга қўшиламан. Бозор иқтисодиётига ўтиш сиёсатини тўғри ва тўлиқ тушунишда ҳамон оқсаяпмиз. Меҳнаткашларга унинг аниқ манзарасини чизиб беролмаяпмиз. Натижада кимдир хусусий мулкчилик авж олиб, капитализмга кенг йўл очилади, деган хавотирда бўлса, бошқаси нарх-наво ошиб, қимматчилик бошланиб кетади, дея башорат қилаётир. Яна бир тоифа кишилар пули борлар бойиб, пули камлар қашшоқлашади, деган фикрда. Бу қарашларнинг ҳаммасида жон бор. Ҳатто ишончли асослар ҳам етарли. Борди-ю бозор иқтисодиётига ўтилгач, у назоратдан чиқарилиб юборилса, юқоридаги ҳолатлар рўй бериши мумкин. Лекин биз бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтаяпмиз.

Очиғини айтсам, бизда дангасалик — авж олган. Буни эътироф этишимиз керак. Бошқарув усулининг нобоплиги туфайли шундай вазиятга тушиб қолдик. Эътибор қилинг: етук шифокор билан нўноқ шифокор, тажрибали ўқитувчи билан билимсиз ўқитувчи, тадбиркор деҳқон билан қўл учида ишловчи деҳқон, қўли гул ишчи билан тепса-тебранмас ишчи бир хил маош олаверса, дангасалик тегирмонига сув қуйилмайдими? Бу кетишда яхши меҳнат қилувчилардан ҳам ажралиб қоламиз-ку? Бир мисол. 7 сотих томорқам бор. Бу йил шу майдондан 4 минг сўм даромад олдим. Баъзи хўжаликларда эса бир гектар пайкалнинг самарадорлиги 2 минг сўмдан ошмаяпти. Бизнинг Асака туманимизда 7 сотих ердан ўн минг сўм наф кўрадиган оилалар бор. Демак, ўшаларга қиёсланса, мен дангасаман. Янада яхшироқ ишлаганимда даромадимга 6 минг сўм қўшиларди.

Бозор иқтисодиёти дангасалик пайини қирқади. Меҳнаткаш ўзи яратган маҳсулотидан келадиган даромаднинг кўпроқ қисмига эгалик қилади. Сарфланган меҳнат ҳақиқий баҳосини олади. Маҳсулот етиштириш ва сотиш шартнома асосида бўлади, нарх-наво эса икки томоннинг келишуви асосида белгиланади. Бозор иқтисодиёти шароитида хом ашё етиштириш, уни қайта ишлаш юқоридан белгиланган режа орқали эмас, балки халқнинг талаб-эҳтиёжига қараб амалга оширилади. Яъни истеъмолчилар учун кераксиз маҳсулотни кўплаб чиқариш ўз-ўзидан барҳам топади. Бозор иқтисодиёти моддий неъмат яратувчи меҳнатини қадрлашга таянади, унинг ақлий ва жисмоний ҳаракати баҳосини тўғри белгилашга асосланади.

Н. ЮСУПОВ: — Бозор иқтисодиёти — умумлашган ҳисоб-китобдан алоҳида, ниҳоятда аниқ ҳисоб-китобга ўтиш, моддий неъмат яратувчи шахснинг манфаатдорлигини қаттиқ туриб ҳимоя қилиш дегани. Ҳозир деҳқон эрта баҳордан бошлаб кеч кузгача хориб-толиб тер тўкса-да, самарасидан бенасиб қолаётир. Етиштирилган маҳсулотдан келадиган фойдани асосан бошқалар олишмоқда.

Бир ҳолатни мисол сифатида келтираман. Минг-бир ярим минг тонна пахта етиштирган хўжалик қаддини дадил кўтариб, битта автобус сотиб ололмайди. Санаторий, данғиллама кинотеатр қуришни-ку қўя турайлик. Ўша оқ олтин деб йил бўйи пешона тер тўккан деҳқон шўрлик совун, ёғ, кунжара, шелуха қидириб товони тешилади. Энди шунча миқдордаги хом ашёни қисқа вақтда қабул қилиб, қайта ишловчи пахта тозалаш заводидаги манзарага бир назар ташлайлик. Истаса — бир йилда дам олиш ва даволаш масканини барпо этади; шоҳона клуб, дарвозаси афсонавий стадион тиклайди. Хоҳласа — Японияннинг машҳур «Тойота» машинасида юради. Завод ишчилари эса юқоридаги маҳсулотларга муҳтожлик сезишмайди. Бозор иқтисодиёти мана шундай сунъий нотекисликка барҳам бериши табиий. Мақсад— ким нима яратса, ундан келадиган даромаддан тўлароқ баҳраманд бўлишига эришиш. Дастлабки қадамлар шуни исботлаяпти. Тонна-тонна мева етиштирган боғбон бир амаллаб оилани тебратса, уни қайта ишловчилар олтин санамоқдалар. Агар бозор иқтисодиётига ўтилмаса, ана шу нохуш манзара сақланиб қоларади. Ҳозирги шароитда маҳсулотни савдога уни яратган шахс эмас, балки бошқалар олиб чиқаётир. Тенгсизликнинг моҳияти шунда. Бозор иқтисодиёти бундай тартибга чек қўяди. Томонларнинг манфаатдорлиги юзма-юз мулоқот, келишилган шартнома асосида юзага чиқади.

— Бозор иқтисодиётига ўтиладиган бўлса, аҳолига савдо хизмати кўрсатиш қандай такомиллашади? Шу кунларда ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар бирдек қийналишаяпти. Дўконларда йўқ нарсалар чайқовдан топилади. Баъзилар бу вазиятни бозор иқтисодиётига ўтишга тайёргарлик, деб баҳолашмоқда. Аҳвол мана шу тарзда давом этаверса, бозор иқтисодиёти ҳам тақчиллик ва чайқовчиликдан қутқаза олмайди-ку? Матлуботчилар тақчиллик ва чайқовчиликни сунъий равишда келтириб чиқаравердилар. Бунинг чора-тадбирларини бозор иқтисодиётига ўтмасдан олдин амалга оширган маъқул эмасми? Тайёргарлик кўраяпмиз, деб тарихимизда учрамаган арақ ва сигарета чайқовчилигини авж олдирдик. Бозор иқтисодиёти бу иллатга зарба бера оладими?

В. МАҲМУДОВ: — Зарба бериши керак ва шарт. Бугунги жараён тайёргарликнинг эмас, балки назоратсизликнинг оқибати. Мана бизнинг Асака ёки бутун Андижон вилоятидаги аҳволни қаранг. Истаган жойингизда, истаган чайқовчидан арақ ва сигаретани отасининг баҳосига топаверасиз. Савдода эса аҳконинг уруғи. Нима, арақ билан сигарета осмондан тушиб ёки ердан чиқаяптими? Бунақа мўъжизага ким ишонади? Вилоят савдо базаларига келаяптики, чайқовчиларнинг қўлида бор-да. Буни назорат қиладиган ташкилотнинг ўзи йўқ. Ёки эҳтиёт қисмларини олинг. Давлат нархи ўн тўққиз сўм бўлган енгил машина қанотини 200—250 сўмга дарҳол топасиз. Баллон 200, аккумулятор 150 сўм. Хўш, булар вилоятга келмаётган бўлса, созлаш устахоналарида қандай пайдо бўлаётир? Бозор иқтисодиётида назорат ўрнатилмас экан, танг аҳволдан қутулиб бўлмайди. Учарлар учарлигини қилаверади. Яқиндан бошлаб тақчил моллар ташкилотларга келтирилмоқда, Шу усулни такомиллаштириш керак. Масалан, бизнинг идорамизда 21 нафар мутахассис ишлайди. Ун керак ёки кийимкечак. Мен бориб шунча одамга ун олиб келишга аввало ишончим бўлиши лозим. Шунда ҳамманинг назари тўқ туради, ваҳимага тушмайди, миш-мишларга ишонмайди. Унимиз тугаса, вакилимиз боради-да, олиб келади, деган фикри қатъийлашади. Шундай қилинганда ишсизлар ҳам бирор ташкилотга жойлашишга интилади.

Тартиб-интизом бўлмаган жойда ҳар қандай илғор ғояни амалга ошириш қийин. Бунинг учун ҳуқуқ-тартибот органлари қонун талабларини қатъият билан амалда қўллашлари керак. Бугунгидай лоқайдлик ҳукм сурса, қонуннинг ҳам қиммати қолмайди. Қадимда гавжум Асакада Қосим мелиса деган киши бўларди. Бутун шаҳар осойишталигида у кишининг хизмати яққол кўриниб турарди. Қонун посбонлари ана ўшанақа кишилар бўлсагина тартиб-интизом жойига тушади. Интизомсиз бозор иқтисодиёти эса бошбошдоқликни авж олдириб юбориши турган гап.

Н. ЮСУПОВ: —Ҳақиқий маънодаги бозор иқтисодиётига ўтилса, чайқовчилик ўз-ўзидан йўқолади. Бунга асослар бор. Айтайлик, ер, бино, техника воситаси, савдо шохобчаси ва ҳоказолар хусусий мулк қилиб берилса, улар кўз қорачиғидай асралади. Магазин эгаси эса тамаки ёки гилам тўқиш фабрикаси соҳиби билан шартнома тузади, келишилган ҳолда молнинг нархини белгилайди. Бундан икки томонлама фойда кўрилади. Олиб келинган мол чайқовчига берилмайди. Дўкондорнинг ўзи уни сотишдан манфаатдор.

Ёки бошқа мисол. Биз ҳозир суҳбатлашиб тўирган мана шу икки қаватли бино нима фойда келтираяпти? Таннархини қоплайдими, йўқми — ҳозирча бу аҳамиятсиз. Агар у бирор кишига хусусий мулк сифатида берилса-чи? Биз ундан фойдаланганимиз учун ҳақ тўлай бошлаймиз. Маблағимиз уй эгасини қаноатлантирмайди, албатта. Агар уни меҳмонхонага айлантирса, фойда уч марта, ресторанга айлантирса, беш баробар ошади. Демак, уй соҳби кўпроқ фойда чиқадиган йўлни танлайди. Унинг ҳар битта ғиштини асраб-авайлайди. Бизда эгаси йўқ нарсалар қалашиб ётибди. Бозор иқтисодиёти мана шундай йўл билан чайқовчиликка зарба беради. Чайқовчилик заминсиз қолгач, ўз-ўзидан йўқолиб кетади. Ҳозирги магазинчи сотилаётган молнинг эгаси эмас. У бамисоли хўжалик қўйини боқаётган чўпон. У байтар, яъни ветврачнинг кўнглини овлаб, 4—5 та акт тузиб, бир неча қўйни қочириб сотса, шунисига хурсанд. Магазинчи эса чайқовчига қанча тақчил молни узатиб юборса, унга шунча яхши. Бозор иқтисодиёти шароитида магазинчи шу жойнинг ҳақиқий эгаси бўлади, фойдани иложи борича ўзи кўришга интилади. Чайқовчига бу борада ўрин қолмайди.

— Бозор иқтисодиётига ўтишга деҳқончилик-саноат уюшмаси қандай ҳозирлик кўраяпти. Ёки ҳеч қандай тайёргарликсиз ҳам ўтиш мумкинми? Ҳозир жамоа ва давлат хўжаликларида қандай жараён кечаётир? Мураккабликлар нималардан иборат? Муаммолар-чи?

В. МАҲМУДОВ: — Пухта тайёргарлиқ кўрмай туриб, бозор иқтисодиётига ўтиб бўлмайди. Буни жумҳурият Президентининг тутган йўли, чиқараётган фармонлари ҳам яққол тасдиқлаб турибди. Аввало иқтисодий билимларни чуқур ўрганиш керак. Ҳисоб-китобни билмайдиганлар ҳозирданоқ гарангсиб қолаётирлар. Хўжаликларда иқтисодий ўқувлар ўтказаяпмиз, хўжалик юритиш усуллари, иқтисодий мустақиллик тўғрисида суҳбатлар олиб бораётирмиз. Мураккабликлар, муаммолар ҳам талайгина. Пахтанинг харид нархи оширилаяпти. Шу билан бирга ёнилги-мойлаш материаллари, эҳтиёт қисмлар, техника воситалари, минерал ўғит салкам икки баробар қимматлашди. Бу шубҳасиз яна муаммоларни келтириб чиқаради. Лекин, очиқ айтиш керак, пахтанинг амалдаги харид нархи бизни қаноатлантирмайди.

Н. ЮСУПОВ: — Келаси йилдан бошлаб бир тонна биринчи нав пахтага 2.070 сўм, иккинчи навга 1.790 сўм, учинчи навга 1.140 сўм тўланади. Бу жуда улуғ иш. Пахтакорнинг косаси оқаришига умид боғласа бўлади. Лекин айни пайтда кўнгилсизликлар ҳам тугилмоқда. Юқорида таъкидлаганимиздек, ёнилғи-мойлаш материаллари, техника воситалари, эҳтиёт қисмлар, минерал ўғитнинг нархи икки баробар ошди. Бу — ҳар гектар ерга харжланадиган сарф ҳам шунча марта ортди дегани. 1989 йилда бир гектар пахта майдонига 2.438 сўм харажат қилинган эди. Келаси йилдан ана шу кўрсаткич 4.320 сўмга етади. Бу — биринчиси. Иккинчиси шуки, пахтанинг харид нархи ошмасидан аввал 1-, 2-, 3-навлар учун ўртача беш йиллик даражасидан ортиқча етиштирилган маҳсулотга нисбатан давлат томонидан қўшимча ҳақ тўланарди. Масалан, 1989 йилда районимиз шунинг ҳисобига 5 миллион 669 минг сўм қўшимча даромад олган. Энди бундай имтиёздан маҳруммиз.

Бозор иқтисодиётига ўтишда «Етти ўлчаб, бир кес» деган халқ мақолига қаттиқроқ амал қилиш талаб этилади. Тайёргарлик даврида қилинадиган ишлар, ечиладиган муаммолар талайгина. Уларни ҳал этмай туриб, янги иқтисодий сиёсатни амалга ошириб бўлмайди.

Энг аввало бошқарув органлари ишини такомиллаштириш даркор. Масалан, хўжаликда етиштирилган барча турдаги маҳсулотларни ким, қачон сотиб олиши аниқ ва равшан белгиланиши керак. Мана бу йил баъзи хўжаликларда помидор ва қарамнинг анча қисми вақтида қабул қилинмаслиги оқибатида исроф бўлди. Хўш, бу зарарни ким тўлайди? Айбдорни ҳеч ким ҳеч қачон тополмайди. Бундай эгасизлик билан бозор иқтисодиётига ўтиб бўлмайди. Шунинг учун тузиладиган шартномалар аниқ бўлиши, ҳуқуқий ҳужжатга айланиши ва у узоқ муддатга тузилиши керак.

Айтайлик, хўжалик консерва заводи билан шартнома тузди. Шунга биноан у корхонага май ойида 20 тонна эртаги карам, июнь ойида 30, июлда эса 50 тонна помидор ва бошқа маҳсулотлар етказиб бериши лозим. Бунга амал қилинмаса, зарарни хўжалик тўлаши зарур. Агар заводнинг қуввати етмай, маҳсулотни вақтида қабул қила олмаса, у ҳолда зиён завод гарданига тушиши керак. Шундагина шартнома бажарилган бўлади. Бу борада бошқарув органлари таъсирини, вазифасини аниқ-равшан белгилаб қўймоқ даркор.

Баъзан шунақаси ҳам бўлади: ёнилги етишмаслиги оқибатида ҳосил вақтида йиғиштирилмай қолади. Минерал ўғит вақтида берилмаса, ҳосил камайиб кетади. Яна зарар. Лекин уни ҳеч ким тўламайди, айбдор шахси топиб бўлмайди. Шартномада шу масалаларга аниқлик киритилиши, айбдорлар жарима тўлашлари расмийлаштирилиши шарт. Бозор иқтисодиётига ўтиш учун мана шундай аниқликка эга бўлиш, масъулиятни зиммасига олиш керак.

Ҳозир деҳқончилик-саноат уюшмасининг жуда кўплаб тармоқларида ўлик ҳолда ётган ишлаб чиқариш фондлари мавжуд. Машина-трактор парклари ишдан чиққан машина-механизмлар кўп. Уларнинг фойдаланиладиганларини ажратиб, қолганларини сотиб юбориш керак. Бўш ётган бинолар, дала шийпонлари ҳам талайгина. Улардан ҳам самара олиш йўлларини қидириш лозим.

Баъзи хўжаликлар ўз техникаси бўла туриб, янгисини сотиб олишга одатланган. Бунга барҳам берилса, фақат фойда кўрилади. Хўжалик учун беш сўмга битта кетмон сотиб олинган бўлса, унинг ёрдамида ўн сўмлик иш бажарилсагина наф келади. Ана шу кўрсаткич 100 сўмга чиқарилса, бозор иқтисодиётига ўтиш тайёргарлиги пухта бўлади. Янги қадамни қўйиш олдидан «тозаланиб» олиш ниҳоятда муҳимдир.

— Бозор иқтисодиётига ўтиш аҳоли кам таъминланган қисмининг моддий аҳволини яхшилашни тақозо этаётир. Жумҳуриятимизда бу борада дадил қадамлар қўйилаяпти. Деҳқонни, хусусан пахтакорни умидвор қиладиган янгиликлар нималардан иборат? Тайёргарлик даврида уларнинг моддий манфаатдорлиги қай даража кўтарилиши мумкин?

В. МАҲМУДОВ: — Пахтанинг харид нархи ошганлиги бизда умид туғдирди. Лекин бу етарли эмас. Деҳқон ҳозир ўзи яратган маҳсулотдан келадиган даромаднинг 35 фоизига эга бўлаётир. Бу кўрсаткични 50 — 60 фоизга етказиш керак. Бозор иқтисодиёти ана шу умидни рўёбга чиқаришга ишонаман.

Н. ЮСУПОВ: — Ҳозирга қадар бир гектар ерда пахта етиштирган деҳқон нари борса 600—700 сўм даромадга эга бўларди. Бизнинг шароитимизда 4—5 гектарлаб ер олиш имкони йўқ. Чунки аҳоли ниҳоятда зич. Юқоридаги маблағ билан бир оилани тебратишни тасаввур қилинг-а. Бозор иқтисодиётига ўтишга тайёргарлик давридаёқ деҳқоннинг манфаатдорлиги сезиларли даражада ошади. Пахтанинг харид нархи ошишига асосланиб шундай аниқ ҳисоб-китобни келтиришим мумкин. Масалан, деҳқон бир гектар майдонда пахта етиштирди. Шартномага кўра 30 центнер, яъни 3 тонна хом ашё топширди. Унинг 40 фоизини биринчи, шунча фоизини иккинчи, 10 фоизини учинчи, 10 фоизини тўртинчи навга сотди, дейлик. Шунда бир гектар ердан 5.106 сўм умумий даромад қилинади. Унинг 35 фоизини, яъни 1.532 сўмини деҳқон олади. Айтайлик, у яхши ишлаб, жами ҳосилни биринчи навга топширса, умумий даромад 6.210 сўмга етди. Унинг 2.179 сўми деҳқонга берилади. Янгиликни сездингизми? Бир гектар ерда пахта етиштириб, 600—700 сўм пул олган деҳқон келаси йилдан бошлаб 1.500—2.000 сўм наф кўради. Бу дастлабки қувонч.

— Бозор иқтисодиётига ўтиш одамларнинг мувозанатини бузаётгани, ваҳимага солаётгани, ҳатто бу уларнинг феъл-атворига, ахлоқ-одобига таъсир қилаётгани хусусида қандай фикрдасиз?

В. МАҲМУДОВ: — Бозор иқтисодиётига ўтишнинг тарғиб-ташвиқ қилиш усулига қўшилмайман. Унинг машақатлари, қийинчиликлари, мураккабликлари ҳақида ҳадеб гапиравермаслик керак. Бозор нималигини халқ яхши тушунади. У ердан бирор молни не-не азоблар билан сотиб олиш азобини ҳам ҳис қилади. Унинг оғирлигини таъкидлайвериш оқибатида одамлар «қимматчилик», «очарчилик» сўзларини ҳар гапнинг бирида ишлатадиган бўлиб қолишди. Бу, сиз айтгандай, уларнинг ахлоқ-одобига ҳам таъсир қила бошлади. Очқўзлик, инсофсизлик иллатлари пайдо бўлаяпти. Ўйида 5—6 қоп уни бўлса-да, андишани йиғиштириб қўйиб, яна олишга интилмоқда. Шунинг ўрнига бозор иқтисодиётининг мазмун ва моҳиятини таҳлил қилсак, аниқ рақамларини, манзараларини тушунтирсак, ҳисоб-китобни, янгича шароитда қандай яшаш кераклигини ўргатсак, яхши бўлмасмикин? Ҳадеб кўз ёши қилгандан кўра, кўзни каттароқ очиб, қийинчилик бўладиган бўлса, уни бартараф этиш тадоригини кўрсак, дуруст эмасми? Менинг англашимча, бозор иқтисодиёти қимматчилик, очарчилик деган маънони билдирмайди. У оиламизни, хўжалигимизни, жамоамизни аниқ ҳисоб-китобга, яхши ишлашга, ўз ҳақ-ҳуқуқини, бурчини англашга ўргатиш мактаби бўлади. Ҳар бир давр ўзининг бирон-бир янгилиги билан тарихга муҳрланади. Бизнинг юртимиз ҳам ана шундай янги даврга кириб бораяпти. «Ишлаган тишлайди» деган мақол чинакамига жарангламоқда. Бунинг қўрқинчли жойи йўқ.

Бу икки мутахассиснинг фикри, мушоҳадаларини бозор иқтисодиётининг тўлиқ манзараси, демоқчи эмасмиз. Уни яшашнинг янгича тарзини ўзлаштириш борасидаги дебоча фикрлар, мулоҳазалар сифатида қабул қилишингизни истаймиз.

Суҳбатдош:
А. ҚОРАБОЕВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.

Сўранг, жавоб берамиз

ДЕҲҚОНЛАР УЮШМАСИ АЪЗОЛАРИНИНГ ВАКОЛАТИ

«Қишлоқ ҳақиқати» рўзномаси таҳририятига

Ўзбекистон жумҳурияти Деҳқонлар уюшмаси ташкил этилганига тўрт ой бўлди, холос. Лекин ана шу қисқа муддат мобайнида унинг ташаббуси, саъй-ҳаракати туфайли жамоа ва давлат хўжаликлари, бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳамда ташкилотларининг ижтимоий, маданий-маиший аҳволини яхшилаш юзасидан қатор тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, ССЖИ Олий Кенгаши Раёсатининг «Транспорт воситалари ва бошқа хил ўзиюрар машина-механизмларнинг эгаларига солиқ солиш тўғрисида» 1988 йил 21 мартдаги 133-фармони бекор қилинди. Бу ҳол айниқса молиявий аҳволи, рентабеллик даражаси паст бўлган хўжаликлар учун нур устига аъло нур бўлди. Тежалган маблағ бундан кейин колхозчилар, совхоз ишчилари, деҳқончилик-саноат мажмуи ходимларига мақбул маданий-маиший шароит яратиш, уларнинг даволанишларига ва дам олишлари учун шифохоналар, санаторийлар хизматини йўлга қўйиш, болалар боғчаларига оталиқ қилиш каби муҳим масалаларни рўёбга чиқариш мақсадларига сарфланади.

Бироқ ҳали ечимини кутаётган муаммолар жуда кўп. Масалан, жойларда тузилган Деҳқонлар уюшмаси аъзолари (раҳбарлари) колхозларда бошқарув, совхозларда меҳнат жамоаси кенгаши йиғилишларида, районларда эса деҳқончилик-саноат уюшмалари ҳайъат мажлисларида иштирок эта олишмаяпти. Сабаби —улар ана шу бошқарув, меҳнат кенгаши ва ҳайъатга аъзо эмаслар. Натижада хўжаликлар ва ташкилотларда қандай масалалар кўрилаяпти, қай тарзда ҳал қилинаяпти — биз бундан бехабар қолаяпмиз.

Меҳнаткашлар, хўжаликлар, бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳамда ташкилотларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя этиш, ҳал қилинмаган муаммоларни ечишда Деҳқонлар уюшмаси аъзолари (раҳбарлари)нинг қандай ваколати бор? Шу ҳақда «Қишлоқ ҳақиқати» рўзномасида маълумот беришингизни илтимос қиламан.

Ҳурмат ила,
Н. ХОЛБЕКОВ,
Ўрта Чирчиқ район Деҳқонлар уюшмаси раисининг ўринбосари.

Биз ушбу хатга жавоб олиш мақсадида Ўзбекистон ССЖ Деҳқонлар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Ҳ. ХОЛИҚОВга мурожаат этгандик. Ҳамроқул Холиқович қуйидагиларни маълум қилди:

**— Ўртоқ Н. Холбеков ўз мактубида муҳим масалани кўтарган. Биз шуни ҳисобга олиб, Ўзбекистон ССЖ Қишлоқ хўжалиги давлат-кооператив қўмитасига тегишли таклифимизни киритдик. Мазкур қўмита ўзининг 1990 йил 10 декабрдаги 41-9-3-3294-рақамли хатига биноан Қорақалпоғистон мухтор жумҳурияти Қишлоқ хўжалиги давлат-кооператив қўмитаси ва вилоятлар деҳқончилик-саноат бирлашмаларига Деҳқонлар уюшмас

БОБОДЕҲҚОНГА ТАЪЗИМ

Қарши шаҳридаги «Геолог» ўйингоҳида Қашқадарё вилояти деҳқончилик-саноат мажмуи ходимларининг «Ҳосил байрами» бўлиб ўтди. Унда барча районлардан келган илғор пахтакорлар, сабзавоткорлар, полизчилар, боғбонлар, соҳибкорлар ва чорвадорлар, шунингдек, кўплаб меҳмонлар иштирок этдилар.

Бу йилги «Ҳосил байрами»нинг ғоят кўтаринки руҳда ўтганлигининг боиси бор. Беш йилликнинг якунловчи йилида вилоят меҳнаткашлари барча соҳаларда қувончли ютуқларни қўлга киритдилар. Пахтакорлар давлатга 488 минг тонна ўрнига 522,306 тонна қимматбаҳо саноат хом ашёси сотдилар. Унинг 90 фоизи юқори навларга қабул қилинди.

Сабзавоткорлар, полизчилар, соҳибкорлар эса эл дастурхонига 7.500 тонна ўрнига 8.100 тонна картошка, 147 минг тонна ўрнига 157 минг тонна сабзавот, 52 минг тонна ўрнига 57 минг тонна узум, 50.500 тонна қовун-тарвуз етказиб бердилар.

Шу кеча-кундузда вилоят далаларида қишки юмушлар жадал олиб борилмоқда. Мавжуд техника воситаларини барвақт ва сифатли созлаш, сув шохобчаларини равонлаштириш, маҳаллий ўғит жамғариш диққат марказида турибди. Чорвадорлар қишловдан беталафот чиқиш чораларини кўрмоқдалар.

«Ҳосил байрами»ни вилоят Деҳқонлар уюшмаси раиси Қурбон Ҳақбердиев очди. Халқ депутатлари вилоят Кенгаши раиси, вилоят партия қўмитасининг биринчи котиби А. Р. Отажонов, Ўзбекистон ССЖ халқ артисти Ёқуб Аҳмедов, мусофақадошлар номидан — Сурхондарё вилоят партия қўмитаси котиби Қурбон Эшбоев ва бошқалар тантана қатнашчиларини самимий табрикладилар.

Шундан сўнг томоша дастурлари бошланди. Ўзбек мусиқа санъатининг моҳир ижрочиси, Ўзбекистон ССЖ халқ артисти Шерали Жўраев ва жумҳуриятда хизмат кўрсатган артист Мунажат Нўлчиева ижро этган қўшиқлар байрам қатнашчиларига завқ-шавқ бағишлади. Бу ерга тўпланганлар, шунингдек, турли спорт мусобақалари, велопойга, арқон тортиш, қўчқор уриштириш, огир ва енгил атлетика беллашувлари, театрлаштирилган спорт ўйинини мириқиб томоша қилдилар.

Шу куни байрам қатнашчиларига умумий овқатланиш корхоналари ошпазлари беминнат хизмат кўрсатдилар. Савдо дўконлари ишлаб турди. Бир сўз билан айтганда, ўйингоҳдаги тантаналар тўпланганларда катта таассурот қолдирди.

Ш. СУЛТОНОВ,
ССЖИ Журналистлар уюшмасининг аъзоси.

* * *

СУРАТЛАРДА: «Ҳосил байрами» тантаналаридан лавҳалар.

МУАЛЛИФ олган суратлар.

ИСКОВИЧ БИЛАН ҚОПЛОН

Искович изғирди ўрмон ичида,
Изғирди мазали ов илинжида.
Тўсатдан Қоплонга келиб қолди дуч,
Қоплонки, танида қутирарди куч.
Қалбини босса-да қўрқув, хавотир,
Лек ўзин Искович кўрсатди ботир.
Қоплон заҳарханда қилди чимрилиб,
Оғзи тўп сиғгудек тарзда йирилиб:
«Хоҳоҳо, ҳавонг баланд-ку жуда!
Кимсан, эмасмисан йўлбарсга қуда?!»
«Йўқ, — деди Искович кўтариб даҳан,—
Мен, ахир, Арслонга жиян бўламан!»
Қоплоннинг тарвузи қўлтиқдан тушди,
Хавф сезган қушдайин тарқалди ҳуши.
«А-ҳа, ҳимм, шундақа денг-а, азизим...»
Дея у ортига тисарилди жим.

ТУЛҒОҚ

Сайёҳлар кемаси чайқалди ногоҳ,
Чайқалди довулдан ғирт маст кишидек
Мункидилар ҳарён қилишиб оҳ-воҳ,
Қулаган увада бино ғиштидек.
Ранги тумандайин бўзарган Ғани,
Ёғани оғзидан отилди қалқиб.
Ўқдан учгандайин шаппайди тани,
Қалбини хаёлот ариси чақиб:
«О, Каримшода, ҳимм, минг сўмим бор-а,
Акагинасида икки юз манат.
Ғарқ бўлмай, саломат қайтолсам зора,
Худойи қиламан қўй сўйиб албат!
Э-ҳа, Қулмонда ҳам бор-а олти юз,
Шерқўзида— тўрт юз.
Кимдайди тағин...
Тунга айланса-я чароғон кундуз,
Шунча пул кетади чалиб чапагин!
Шунча пул ёқилган хазондек хайфдир
Мен агар уйимга қайтмасам тирик!
Қарзга пул олган у пастларга кайфдир
Кабоб ейишгандек отишиб қийик!
Бировнинг ҳақига суяклари йўқ,
Ахир, текин таом тозавар танни!
Куймас оғизлари ютсалар-да чўғ,
Соғишиб ичишса ҳатто такани!
Э, оллоҳ, жумлан мўмин қатори
Сақла хатарингдан, бир боқ қайрилиб!
Тортса бу хатарнинг ўрама ғори,
Ямин ҚУРБОН

ИККИ ЖУФТ МАСАЛ

Шунча пулларимдан қолгум айрилиб!!!»

* * *

Эҳ, пулдир жонинг жаҳонинг, хасис,
Ахир пул пўчақдир, имондир мағиз.

СУҚ

Кўппактой келарди очилиб таъби,
Жангоҳнинг ғолиб бир навкари каби.
Арзигай омадин фаҳм этса фахр,
Ўлжаси семиз кўй калласи, ахир!
Йўл узра илашиб Оқтошу Кўктош,
Таъма илинжида боқдилар ювош.
Аммо лойқаланиб Кўппактой турқи,
Кирпи игнасидек тикланди туки.
Оқтошу Кўктош лек бўлдилар пашша,
Калланинг хуш иси бахш этиб нашъа.
Кўппактой тушмагач ғурур тоғидан,
Туйнукча очилар ҳиқилдоғидан.
Ўлгач у авжига минибон саваш,
Калла тирикларга бўлди денг, талаш.
У тортди, бу тортди, келишилмади,
Нафли натижага эришилмади.
Шундан сўнг довулдек қутириб иков,
Ғажишди бир-бирин ғажишгандек ёв.
Гоҳ унга, гоҳ бунга чанг солди хатар,
Олишди бамисли тумсоху аждар.
Оқибат синибон тишлари қарс-қарс,
Жон берди икковлон чавақланган тарз.

* * *

На чора, суқлар бир-бирининг шўри,
Дегайлар суқлар бир-бирига бўри.

ФАСОД

Узаро ҳамият ўрнига, ҳайҳот,
Бижғиган ботқоқдек сасир ғоҳилар;
Нигоҳларидан нақ оғу ёғилар,
Юракларини нақ тишлагандек бод.
Бу ҳақда элда бир масал юрадир,
Кимгадир болдир у, кимгадир таъзир.
«Воҳ-воҳ-воҳ! Баайни ҳаммолмиз, ҳаммол!!
Бу, ахир, биз учун ачинарли ҳол!!
Ахир, Кўз кўрса-ю Кўзойнак нафин,
Нечун биз чекамиз унинг заҳматин!!
Минг бора лаънатки, бўлсинки кул-кул,
Бўлурмиз биз токай Кўзойнакка қул!!»
Дея чирсиллади Қулоқ Қаншарга,
Аламдан айланиб ранги заъфарга.
Қаншар бу нолишни кутгандек худди,
Ҳўл тўнка мисоли бурқсиди дуди:
«А-ҳа, рост айтасан, нафасдошим, рост,
Шўрмиз бор экан, доим шу алфоз!
Эзилиб кетаман залваридан гоҳ,
Эзгандек бўлади киройи бир тоғ!
Кўзнинг бўлганида фаҳми сал тўлиқ,
Тутмасди ҳеч қачон бундайин йўриқ».
Тушдими уларга Кўзнинг назари,
Чўғланди бўлибон чақмоқ мангзари:
«Билинг, биз бир таннинг аъзоларимиз,
Томирлар сингари туташмиз ҳаргиз,
Ҳимматда Ҳотамдек бўлмасак танти,
Бўлурмиз худбинлик дастида банди.
Ким банди худбинлик дастида, дўстлар,
Билингки, фақат ўз нафини кўзлар;
Инсофу имони этилиб қувғин,
Қилгувси бадқилиқ кўппаклар удмин.
Бундайлар ҳаммадан айрилиб охир,
Қақшагай тишга нақ тушгандек омбир».

Илмгоҳларда

ҲУНАРДАН РИЗҚИНГ УНАР

Кейинги йилларда Тошкент районидаги 19-ҳунар-техника билим юртида қатор ибратли ишлар амалга оширилди. Энг муҳими — касб маҳоратини ёш авлодга мукаммал ўргатиш, фан-техника янгиликларидан доимо хабардор этиб, улардан амалий фойдаланиш ҳар бир ўқитувчи ва ишлаб чиқариш усталарининг эътиборида бўлди. Жамоатчи мухбиримизнинг билим юрти директори С. Толипов билан суҳбати эришилган муваффақиятлар қатори ечимини кутаётган муаммолар хусусида борди.

— Сирожиддин Жўраевич, аввало билим юртининг қисқача тарихи, унда қандай ихтисосликлар бўйича кадрлар тайёрланиши ҳақида тўхталсангиз.

— У 1974 йили ташкил топган. Ўша кезлари сабзавоткорлар, тракторчи-механизатор ва автомобиль ҳайдовчилари тайёрланарди, холос. 1984 йилга келиб, ўрта ҳунар-техника билим юртига айлантирилгач, асаларичилик, автомобиль ҳайдовчиси, кенг ихтисосли тракторчи-машинистлик (автослесарлик билан бирга) бўлимлари фаолият кўрсата бошлади. Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачилик институти қошидаги филиалимизда эса «Тошкент», «Ленинград» давлат хўжаликлари ҳудудида яшовчи 180 нафар йигит малакали мутахассислар устозлигида электр-газ пайвандчиси, тракторчи-машинист, уста-сабзавоткор ва сувоқчи-бўёқчи касбларини ўрганишмоқда.

— Билим юртида ҳозир неча нафар ҳунар толиби ўқимоқда, умуман шу кунгача қанча кадр тайёрланди?

— Айни пайтда 420 нафар йигит таълим олмоқда. Ишимизни қайта қуриб, давр талабларига мослаштирганлигимиз туфайли юқорида эслатилган ихтисосликлар бўйича 5,5 мингдан зиёд малакали кадр тайёрладик. Дарғомизни битириб чиққан ёшларни Тошкент районидагина эмас, балки жумҳуриятимизнинг исталган бурчагида учратиш мумкин. Улар турли корхона, ташкилот, хўжалик ва муассасаларда самарали меҳнат қилмоқдалар. Районимиздаги Навоий номли жамоа хўжалиги сут-товар фермасининг пешқадам соғувчиси, Ленин ордени нишондори Санобар Султонова, унинг касбдоши, Ҳурмат ордени соҳибаси Шарифа Азизова, Ильич номли жамоа хўжалиги механизатори Раҳматулла Тўлаганов шулар жумласидандир.

— Ёшларга касб-ҳунар ўргатаётган муаллимлар ҳамда ишлаб чиқариш таълими усталари ҳақида фикрингиз қандай?

— Бизда 22 нафар ўқитувчи бор. Ҳаммаси олий маълумотли мутахассис. Айниқса қишлоқ хўжалик техникаси ўқитувчиси Малик Абдиев, жамиятшунослик ва сиёсий иқтисод бўйича Ҳайит Усмонов, сабзавотчилик бўлими муаллимаси Салима Мамадалиева, автомобиль бошқаришдан Ҳамдам Мирзаевни алоҳида таъкидлаш лозим. Шунингдек, Нуриддин Аҳмедов, Турғун Иброҳимов, Анвар Мирзаев, Абдуғани Бекмуҳамедов ва Карим Омонов каби тажрибали ишлаб чиқариш таълими усталари ҳам талабаларга техника сирларини ўргатишда бор билим, тажрибаларини аямаяптилар.

— Билим юртидаги ҳозирги шарт-шароит, ечимини кутаётган муаммолар, галдаги режалар хусусида нималар дея оласиз?

— Эски ўқув биномиз 200 ўқувчига мўлжалланган. Ўқитувчилар хонаси, кутубхона, 120 ўринли ошхона мавжуд. Лекин улар фақат номигагина. Масалан, ошхонани олайлик. 250 талаба икки сменада тамадди қилишга мажбур. Бошқа йўли йўқ. Ердамчи ҳоналар ҳам тор. Йигирма иккита ўрнига бор-йўғи еттита устахонага эгамиз. Қисқаси, ҳозирги қайта қуриш даври талабларига жавоб бермайди. Жумҳурият Сув хўжалиги ва мелиорация вазирлигига қарашли «Промжилводстрой» трести билим юртининг янги биноси қурилишини бир неча йилдан бери асоссиз равишда судраб келмоқда. Белгиланган давлат режасига кўра бино бултур сентябрь ойида фойдаланишга топширилиши лозим эди. Тезроқ янги бинога кўчиб ўтсак, кўпгина муаммоларимиз бартараф этилган, таълим-тарбия ишлари савияси анча кўтарилган ва бошқа режаларимиз амалга ошган бўларди.

М. ТУРОБОВ.

ЖАРАҚ-ЖАРАҚ ЖАМҒАРМА

ССЖИ жамғармалар банкининг Ёзёвон бўлими ходимлари ўн иккинчи беш йилликнинг сўнгги йилини барча соҳаларда юксак кўрсаткичлар билан якунламоқдалар. Улар ўтган давр мобайнида режадаги 500 минг сўм ўрнига 1 миллион 39 минг сўмлик омонат жамғардилар. Пуллик хизмат кўрсатиш режаси 103 фоиз бажарилди.

— Меҳнаткашларга 17 турда хизмат кўрсатилмоқда, — дейди бўлим бошлиғи Холматжон Раҳимов. — Режаларимизни ошириб бажаришда мустаҳкам меҳнат интизоми муҳим омил бўлди. Ҳозир райондаги 18 та ташкилот, корхона ва хўжаликлар ишчи-хизматчиларидан 700 кишига ҳам маошларини етказиб бермоқдамиз. Бунда айниқса Жўрабой Омонов, Юсуфжон Содиқов, Робахон Умарова, Майрамхон Сиддиқова, Одилхон Кўчқоров, Насибахон Маликова сингари ходимлар самарали ишламоқдалар.

А. МАДРАҲИМОВ.

ҚУЛАЙЛИК

Конимех районидаги Ҳ. Олимжон номли давлат хўжалигининг Тельман қишлоғида меҳнат мўйсафидлари ва депутатлар талаби билан алоқа бўлими очилди. Бу ерда Қ. Муратова, Ш. Сидиров, Ф. Фозилова, Г. Жабборова телеграмма, совға-салом, хат ва нафақа пулларини ўз вақтида эгаларига етказиб бермоқдалар. Энди меҳнаткашлар узоқ масофага, район марказига қатнамайдилар, электр энергияси ҳақи ҳам шу ерда тўланади.

М. АДИЗОВА.

ҚЎШИҚ СЕҲРИ

Бу воқеа ёз кунларининг бирида содир бўлган эди. Тошкентга хоразмлик бир гуруҳ санъаткорлар ташриф буюриб, ўз маҳоратларини намойиш этишаётган эди.

Ўша куни А. С. Пушкин номли маданият ва истироҳат боғида томоша бўлиши керак эди. Мен ҳам боққа боргандим. У пайтлар ҳовузда қайиқлар бўларди, боғдаги турфа ранг гуллар очилиб ётар, кишига хуш кайфият бағишларди. Ҳамза номли ўзбек давлат академик драма театрининг ёзги бинои ҳам шу ердаги тепаликда жойлашган эди.

Карнай ва сурнай садолари янгради. Кечки пайт боққа одам тўлиб кетди. Томошабин шу қадар кўп тўпландики, патта етмай қолди. Шу жумладан, каминага ҳам. Концерт кўриш иштиёқи зўр бўлганидан дарахт тепасига чиқиб, томоша қилишга рози бўлдим.

Концерт бошланиб саҳнага Султонпошша Раҳимова чиқди. У қўшиқни маромига келтириб куйлади. Кейин Ваҳобжон Фаёзова навбат берилди. Бу санъаткорнинг ўзини тутиши кишини ҳайратга солар, оҳангграбо овози дилларга завқ бағишларди. Ниҳоят, куйлаш навбати хушовоз хонанда Назира Юсуповага етди. Унинг саҳнада пайдо бўлиши гулдурос қарсакларга сабаб бўлди. Ҳаяжондан унинг ёноқларига қизиллик югурди. Кўтаринки кайфият билан «Феруз»ни томошабинларга ҳадя этди. Мен ўшанда илк бор «Феруз»нинг шунчалар ажойиб қўшиқ эканини англадим. Тинглаётганлар гўё куй оғушида эдилар. Зал узра фақат Назира опанинг ёқимли овози ҳукмрон эди.

Умрим бино бўлиб, ўша кунга қадар қўшиқ эшитиб, бу қадар роҳатланмаган эдим. Санъатнинг сеҳри ва жозибали кучини ўшанда чин дилдан ҳис этдим. Қўшиқ таъсиридан шодланиб, титраб кетдим. Ижро устаси Назира опани яратган она заминига, сахий ҳаётга ўшанда фақат мен эмас, барча томошабинлар таҳсин ўқишди.

Шу-шу ўзбек халқининг олтин қушиғи «Феруз»ни мароқ билан тинглайдиган, Назира опанинг томошаларини канда қилмасдан кўрадиган бўлдим. Ўшанда юрагимда классик қўшиқчилигимизнинг қудратига тўла ишонч пайдо бўлган эди. Бундай қўшиқларни айтиб таҳсинга сазовор бўлиш мушкул. Бунинг учун қўшиқчига микрофон эмас, балки тутма истеъдод, жарангдор овоз керак.

Д. САЪДУЛЛАЕВ.

ҲАҚИҚИЙ МЎЪЖИЗА

Жаҳонда илғор ҳисобланувчи ССЖИ шахматчилари ва бошқа мамлакатлардаги энг кучли гроссмейстерлардан тузилган командалар ўртасидаги биринчи расмий матч барча ишқибозларда катта қизиқиш уйғотди.

1970 йилнинг апрель ойида Белград шаҳрида ўтказилган бу қизиқарли матч икки даврада ўйналиб, 20,5:19,5 ҳисобида совет шахматчиларининг галабаси билан якунланди.

Ушанда матч бошланишн олдидан мутасаддилар иштирокчиларга: «Шахматни Сиз нима деб биласиз, бу ўйиннинг нимаси кўпроқ ёқади!», деган савол билан мурожаат қилишганди. Матч тугаши биланоқ қуйида келтирилган жавобларни олишга муваффақ бўлинди.

Михаил БОТВИННИК (ССЖИ)

Шахмат кибернетика нуқтаи назаридан қараганда олий типдаги математик ўйиндир. Болалигимда кўп нарсага қизиқардим, лекин 1923 йили шахмат билан ошна бўлдим-у, бошқа ҳамма нарсани йиғиштирдим. Балки бу одамларнинг аниқ ечими йўқ масалаларни ечишга бўлган ҳавасидандир.

Ефим ГЕЛЛЕР (ССЖИ)

Ҳаммадан кўра менга шахматдаги мантиқ, яъни ундаги таҳлил қилиш, ижод этиш имкониятлари ёқади. Шахмат аниқ мантиқий тафаккурни талаб этувчи ўйиндир.

Светозар ГЛИГОРИЧ (Югославия)

...Шахматда аввало ҳақиқат қадрланади. Шахмат доналарининг бетарафлиги ҳақиқий йўлини топган томонга кўл келади .Ўйин пайтида мен ғоя, концепциянинг тўғрилигини ҳимоялашга ҳаракат қиламан.

Властимил ГОРТ (Чехословакия)

Шахматнинг асосий мазмуни курашдир, шахматдаги ғалаба эса ижодий қувонч бағишлайди. Шахмат ўзига хос санъат бўлиб, у бошқа санъат турлари каби кишини мафтун этади.

Борислав ИВКОВ (Югославия)

Менга шахматнинг спорт томони — кураш ва унинг гўзаллиги ёқади. Шахматда киши ҳақиқат учун, ғоянинг тўғрилиги учун курашади. Аммо шу билан бирга унда адолатсизлик ҳам йўқ эмас: фақат биттагина хато юриш бутун «тоат-ибодат»ни йўққа чиқариши мумкин.

Пауль КЕРЕС (ССЖИ)

Шахмат одамнинг маданий савиясини оширади, уфқини кенгайтиради, шунингдек кишилар ўртасидаги дўстона алоқалар ривожига кўмаклашади.

Виктор КОРЧНОЙ (ССЖИ)

Шахмат аввало спортдир. Бу қадимий ўйиннинг худди шу томони мени кўпроқ қизиқтиради. Шахматнинг кўп жойи маълум, шу билан бирга у кўп нарсага ўргата олади. Шахматдаги олий маҳорат ўйинни илм-фан даражасига кўтаришдан иборатдир.

Бент ЛАРСЕН (Дания)

Ҳар гал мени шахматнинг турли томонлари ўзига тортади. Бир сафар у кураш бўлса, бошқа пайтларда санъат, ижод, сўнг психологик рақобат, режалар тўқнашуви ва ҳоказодир. Шахматни аввало санъат деб биламан.

Милан МАТУЛОВИЧ (Югославия)

Шахматда мени энг қизиқтирадиган нарса ғалаба учун курашдир. Унда спортга ва санъатга оид унсурлар мавжуд.

Тигран ПЕТРОСЯН (ССЖИ)

Шахматда эришиб бўлмайдиган идеал, — бу бехато ўйнашдир. Хато қилмасликка интилиш эса жуда муҳим... Ҳар бир шахматчи рақиб билан ўйнар экан, шу билан бирга ўзи билан курашади ҳам. Ҳар бир гроссмейстер айтарли даражада мураккаб бир фигурадирки, у ҳақдаги таассуротлар ҳамма вақт ҳам ҳақиқатга мос келавермайди. Таль деганда фақат «қурбон»ларни, Фишер деганда «электрон машина»ни, Петросян деганда эса «эҳтиёткорлиги»ни назарда тутиш, менимча, янглиш бўларди. Баъзилар мени ўйин пайтида жуда эҳтиёткор деб биладилар. Менимча, буни бошқачароқ тушунмоқ керак. Мен тасодифлардан узоқроқ бўлишга интиламан. Тасодифларга ишонадиган кишилар карта ёки пилдирағич ўйнаганлари маъқул... Шахмат — бутун бир бошқа олам. Мен ҳеч қачон, албатта, жаҳон чемпиони бўлишим керак, деб ҳисобламаганман. Бу унвондан ажраш — менинг фожиам, деб ҳам ўйламаганман.

Лев ПОЛУГАЕВСКИЙ (ССЖИ)

Гўзаллик, кураш, мантиқий тафаккур шахматнинг дилрабо ёқимли ўзи бўлганидан дарахт тепасига чиқиб, томоша қилишга рози бўлдим.

Мигель НАЙДОРФ (Аргентина)

Шахмат кўнгил кўзгусидир. Шахмат ўйнашига қараб одамнинг кимлигини билиб олса бўлади. Шахмат санъат, билим, ўйин ва қизиқишнинг бирга қўшилишидир. Қизиқиши нимаси дейсизми? Шахматда кўп вақт қалтис ҳаракатлар қилиб, тақдирни синовдан ўтказадилар. Муваффақият кўпинча тасодифларга боғлиқ бўлади.

Лайош ПОРТИШ (Венгрия)

Шахмат турлича характер, турлича темпераментлар курашидир. Шахмат нимаси билан мени кўпроқ жалб этади, буни айтиш қийин. Ҳамма томонларини бирга олиб қарагандагина шахматнинг мислсиз жозибадорлиги билинади. Шахмат—спортми ёки фан, деган баҳсга ҳакамлик қилиш қийин. Шахмат — ўзига хос гўзаллик белгиларига эга санъат. Албатта, у фақатгина ўйин эмас, ҳар қандай бошқа ишдагидек шахматда ҳам муваффақият калити — истеъдод ва меҳнат.

Семуель РЕШЕВСКИЙ (АҚШ)

Шахматда мени қизиқтирадиган нарса — курашиш, рақобат қилиш. Умуман олганда шахматни ақлий кураш, ақлий рақобат, деса ҳам бўлади. Шахмат санъат, фандир, унинг ўйинлар тоифасига алоқаси камдан-кам.

Василий СМИСЛОВ (ССЖИ)

Менинг шахматдаги асосий мақсадим — ҳақиқатни излаш. Шахмат партияси доимо энг яхши концепцияларни, энг яхши режани, энг кучли юришларни қидириш, яширин, лекин кучли ҳамда ажойиб йўлларни топишдан иборат.

Борис СПАССКИЙ (ССЖИ)

Мени шахматнинг нимаси қизиқтиришини таърифлашим қийин. Ўзимга ёқадиган томонини биламан, бу — имкониятларнинг бойлигию шахмат ижоди билан ёнма-ён турувчи яратувчилик жараёни. Қисқаси, шахмат бир вақтнинг ўзида кўп нарсадир.

Марк ТАЙМАНОВ (ССЖИ)

Менинг учун шахмат санъатдир. У билан қалин ошначилигим аввало худди шундан. Шахмат ҳам одамлар ўртасида дўстлик алоқалари ўрнатишга кўмаклашади, ҳамкорликка шароит яратиб беради.

Михаил ТАЛЬ (ССЖИ)

Шахмат — ўзига хос ижод. Лекин шунисини ҳам назарда тутиш керакки, шахматчи бир вақтнинг ўзида ҳам муаллиф, ҳам танқидчи, ҳам ижрочидир. Шахматда муваффақиятга эришиш учун уни жондан севиш ҳамда истеъдод соҳиби бўлиш керак. Буюк шахматчилар туғиладилар, яхшилари меҳнат туфайли пайдо бўладилар.

Вольфганг УЛЬМАН (ГДР)

Бошидан охиригача хатосиз, изчил давом эттирилган шахмат партияси эстетик лаззат бағишлайди.

Роберт ФИШЕР (АҚШ)

Шахмат, шубҳасиз, санъатдир, лекин мен бу тўғрида ортиқча бош қотирганимча йўқ. Мен шахматни жонимдан ортиқ севаман, аммо мусиқа, спорт, сиёсатга қизиқаман... Бирон-бир бошқа соҳада шахматдагидек муваффақиятга эриша олмасдим. Мен мактабни тугатмадим. Бундай қилганим тўғри бўлганига ишончим комил эмас. Менинг ҳақимда: у ўзи ёза олмайди, мусоҳаба учун ҳақ сўрайди, фоторепортёрларни ёқтирмайди, бажариб бўлмайдиган талаблар қўяяпти, деган овозалар тарқалмоқда. Аслида унчалик эмас. Мен доим ишлайман, хушмуомалаликка ҳаракат қиламан, лекин тирикчилигим, ҳаётим шу шахмат орқасидан...

Тўпловчи:
М. МУҲИДДИНОВ,
халқаро ҳакам.

Муҳаррир Н. ЕҚУБОВ.

Ойнаи жаҳонда

23 ДЕКАБРЬ, ЯКШАНБА

● УзТВ I

8.00 «Ҳафтаномa» (такрор.).
*
9.00 «Соҳил». Бадиий фильм. 2-серия.
10.10 «Фабрикaнинг йўлида». Тошкентдаги «Қизил тонг» ишлаб чиқариш бирлашмаси вакиллари билан ижодкор ёшлар учрашуви.
11.20 «Муҳофаза».
11.50 «Бобур». Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар» романи асосида кўп серияли видеофильм. 3-қисм (такрор.).
13.10 «Халқ ижодиёти».
Тижорат кўрсатуви
14.00 Наманган вилояти Тўрақўрғон ноҳиясидаги «Дилшод» ансамблининг концерти.
* * *
18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Кумушранг қўнғироқ», «Кўзача». Мультфильмлар.
18.30 Болалар учун. «Кичкинтой» программаси.
19.00 «Остонаси тиллодан...».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Ўзбекистон халқ артисти, бастакор Муҳаммаджон Мирзаевнинг ижодий кечаси.
20.30 «Ахборот».
20.50 Ўзбекистон халқ артисти, бастакор Муҳаммаджон Мирзаев ижодий кечасининг давоми.
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Бобур». Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар» романи асосида кўп серияли видеофильм премьераси. 4-қисм.
23.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

9.00 «Сапада». Мусиқий ахборот.
10.05 «Ҳар бир кишига ва барчага». Реклама.
10.15 «Офарин!». Қувноқ спорт ўйинлари. Душанбе шаҳридаги 115- ва 120-болалар боғчаларининг тарбияланувчилари мусобақалашадилар.
11.00 «Биргаликда». Телевизион бадиий фильм (рус тилида).
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мультфильмлар.
18.30 «Тоғли ўлка муаммолари». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси («Тожиктелефильм»).
19.10 «Чеҳраи ҳунар». Акамад Азизов — Қўрғонтепа мусиқий комедия театрининг актёри.
20.00 «Ҳафта». Информацион программа.
20.30 Мусиқий программа.
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Навиди Душанбе».
22.45 «Биргаликда». Телевизион бадиий фильм (рус тилида).
23.50 «Телетомошабин ҳамроҳи».

● МТ I

8.30 Спорт ҳамма учун.
8.45 Ритмик гимнастика.
9.15 «Спортлото» тиражи.
9.30 «Эрта саҳарлаб».
10.30 «Ватан хизматида».
11.30 «Блиц». Тонгги дам олиш программаси.
12.00 «Саёҳатчилар клуби».
13.00 «Здоровье». «СПИД: хавфли».
13.45 Шахмат бўйича жаҳон чемпионатида.
14.00 «Бу қўшиқни эслаб». Катталар ва болалар учун кўрсатув.
14.10 «Жаҳон бозорлари (АҚШ). Биржа таваккалини камайтиради». Ҳужжатли фильм премьераси («А» студияси).
15.00 «Қишлоқ янгиликлари». Панорама.
16.15 «Педагогика ҳамма учун».
17.15 Эртаклар ва саргузаштлар оламида. Мультфильм премьераси.
18.25 Жумҳуриятда хизмат кўрсатган коллектив — Ленинград филармонияси академик симфоник оркестри чалади. Дирижёр —Ю. Темирканов.
18.40 «Нима? Каерда? Качон?».
19.40 П. И. Чайковский. «Юэта романс».
20.00 «Воситачи». Уч серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия.
21.15 Оддий ва мангулик ҳақида.
21.30 «Время».
22.00 «Россия тароналари». Халқ қўшиқлари ижрочилари 1 Бутунроссия телерадио танловининг якунловчи концерти. Смоленскдан олиб кўрсатилади.
24.00 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати.

● МТ II

8.30 Зарядкага сафланинг!
8.45 «Хайтарма» қримтатар ансамблининг концерти.
9.30 «Камбағаллашув». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. Табиатни ардоқлаш заруратн ҳақида (Олмаота). «Она замин ташвишида» туркумидан.
9.55 «Бочий» рақсга тушади ва куйлайди. Вильнюсдан кўрсатилади.
10.30 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан).
11.30 В. Третьяков раҳбарлигидаги ССЖИ Давлат камер оркестри чалади.
11.45 «Планета». Халқаро программа.
12.45 Коллаж.
12.50 «Биз яшаётган олам». Режиссёр И. Селецкис фильмлари. «Раймонд Паулс. Иши ва ўйлари».
13.55 В. Готовцева куйлайди.

● 14.15 ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДУСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ

●

16.45 «Ҳаммаси чаппасига». Мультфильм.
17.00 «Россия тароналари». Халқ қўшиқлари ижрочилари 1 Бутунроссия телерадио танлови. Танловнинг 3-тури. Смоленскдан кўрсатилади.
20.00 Фигурали учиш. ССЖИ чемпионати. Эркин ракс. Минскдан кўрсатилади.
20.45 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Ун икки ой». Мультфильм. 3-қисм.
21.00 Телевизион ҳужжатли фильм.
21.30 «Время» (сурдо таржимаси билан).
22.00 А. Глазунов. Концерт-вальс.
22.15 Фигурали учиш. ССЖИ чемпионати. Хотин-қизлар. Эркин программа. Минскдан кўрсатилади.
23.00 «Шарти — кучук учун ин». Телевизион бадиий фильм (ЧСФЖ).

Д. 1995. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12